2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 211 (1810), 2026 йил 13 октябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# ЯНГИ ТОШКЕНТ – ЎЗИМИЗНИКИ!

## Президентимиз 12 октябрь куни Янги Тошкентга ташриф буюрди.






Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғида келажак кафолати — Янги Тошкент бунёд этилмоқда. Бугун ушбу йирик лойиҳани фахр билан: “Янги Тошкент — ўзимизники!” дея атаяпмиз. Бу шунчаки ўзлик, эгалик ҳисси эмас. Унинг замирида шукрона, фахр ва ишонч деган катта туйғулар бор. Бугунига шукр билан Ватанга хизмат қилиш қалбда фахр уйғотиб, келажакка ишончни кафолатлайди. Буни Янги Тошкент мисолида яққол кўриш мумкин.

Мазкур йирик лойиҳа кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. У йиллар давомида кун-тун тиним билмай қилинган изланишлар, мураккаб вазиятлардаги оқилона қарорлар ҳосиласи. Бу ҳақда яна тўхталамиз.

Шу йил 12 октябрь куни мамлакатимиз етакчиси Янги Тошкентда бунёд этилган иншоотларни ишга тушириш ва янги лойиҳаларнинг қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди. Шунингдек, бу ерда йирик лойиҳаларни амалга ошираётган инвестор ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Янги Тошкент мамлакатимиз тарихидаги энг йирик шаҳарсозлик лойиҳасидир. Ҳозирги таҳликали, глобал иқтисодиётдаги тебранишлар даврида бундай йирик лойиҳани бошлаш осон эмас. Бунинг учун жасорат, эртанги кунга ишонч керак. Шаҳарнинг нечоғлик катта лойиҳа экани эса рақамларда янада аниқ кўринади. Масалан, биринчи босқичнинг ўзида замонавий технологик ечимларга асосланган 50 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Улар хавфсиз ва “яшил” шаҳар тамойилига асосланган ҳолда ажралиб туради. Бунинг учун шаҳарда 2000 гектар яшил майдон ва 500 гектарли истироҳат боғи ташкил этилади. “Яшил” қурилиш стандартлари асосида 150 миллион квадрат метр турар ва нотурар жой майдони барпо қилинади.

Бугун ушбу икки дарё оралиғи улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Натижада турар жойлар, университетлар, кутубхона ва амфитеатр қурилди. Умуман, ўтган даврда Янги Тошкентда 2 миллиард долларлик ишлар бажарилди.

Давлатимиз раҳбари иштирокидаги маросимда умумий қиймати 1 миллиард доллар бўлган еттита объект ишга туширилди. “Шарқ баҳори” турар жой мажмуасининг биринчи босқичи, йўл ва инфратузилма объектлари, “Янги Тошкент” 1-нимстанцияси, тригенерация станцияси, Савдо-саноат палатаси биноси, “Соҳил боғи” истироҳат боғи ҳамда 2000 ўринли умумтаълим мактаби шулар жумласидан.

Муҳими, уларнинг барчаси яхлит бўлиб, замонавий шаҳарсозликнинг юксак намунасини намоён этади. Масалан, тригенерация станцияси 100 минг хонадонни марказлашган тарзда иситиб, совитиш тизими билан таъминлайди. Туркиянинг “MIMSAN” компанияси иштирокида 73 миллион доллар инвестиция ҳисобига барпо этилган лойиҳа электр энергияси ҳам ишлаб чиқариш имконига эга. Хитойнинг “Haocheng Industry Group Limited” компанияси иштирокида қурилган нимстанция ва юқори кучланишли электр тармоқлари лойиҳасининг қиймати 95 миллион долларни ташкил этади.

“Шарқ баҳори” турар жой мажмуасининг илк босқичида қарийб 7000 та хонадон қурилди. Шунингдек, 18 километр автомобиль йўли ётқизилиб, 13 километр оқова ҳамда 4,5 километр ичимлик сув тармоғи тортилди. Қирғоқ бўйлаб 10 километрли “Соҳил боғи”да пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилди.

Юртимизда бундай йирик лойиҳаларга хорижлик сармоядорлар катта қизиқиш билдирмоқда. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий жозибадорлиги қанчалик юқори эканини кўрсатади. Айни пайтда келажагимизга ишонч, мамлакатимизда кенг қулоч ёзган ислоҳотлар самарадорлигидан далолат беради. Қисқаси, Янги Тошкент янги Ўзбекистон ислоҳотларининг ўзига хос барометри.

Маросимда Хитой, Туркия, БАА ҳамда бошқа давлатлардаги хорижлик ҳамкорлар иштирокида умумий қиймати 2,5 миллиард доллар бўлган яна ўнта йирик лойиҳа қурилишига старт берилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Масалан, Финляндиянинг “MariMatic” компанияси иштирокида чиқиндиларни тўплаш ва улардан “яшил” электр энергиясини олиш лойиҳаси амалга оширилади. Шунингдек, кўп квартирали уйлар томига умумий қуввати 20 мегаватт бўлган фотоэлектр тизимларини ўрнатиш режа қилинган.

Қолаверса, Янги Тошкентни пойтахт билан боғлаш учун Темур Малик кўчаси ва 4R12 автомобиль йўли ўртасида кўприк, йўл ўтказгич ва 10 километр йўл қурилади. Метро бекатлари билан туташган ер ости автотураргоҳини барпо этиш ҳам янги лойиҳалардан. Шу ўринда бот-бот такрор этганимиз замонавий шаҳарсозликнинг яна бир қиёфаси ўртага чиқади. “Метрополис” бизнес-ситида офислар, меҳмонхона, турар жойлар ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашади. Умумий майдони 818 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган ушбу лойиҳанинг 500 минг квадрат метр қисми бизнес учун мўлжалланган. Муҳими, бу ерда 1500 киши ишли бўлади. Шунингдек, “Silk City”, “Мавж” ва “Маржон” турар жой мажмуалари ҳамда 120 ўринли Янги Тошкент марказий шифохонаси қурилади.

Маросимда Президентимиз ушбу лойиҳалар Янги Тошкентнинг бизнес, туризм ва маданият маркази сифатида шаклланишига хизмат қилишини таъкидлади. Шаҳар бунёдкорлигида иштирок этаётган қурувчилар, муҳандислар, лойиҳачилар ва хорижлик ҳамкорларга миннатдорлик билдирилди.

Шу ўринда “Янги Тошкент — ўзимизники!” деган фикрга тўхталсак. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзимизники!” деган сўзи худди меҳмондўст мезбоннинг остонада тортиниб турган яқинига: “Ие, нега эшик олдида турибсиз? Киринг, тўрга ўтинг, бу уй — ўзимизники-ку!” деганидек янгради.

Ушбу сўз ҳар бир фуқарога — ўқитувчи, шифокор, уста, ёш оилага қараб: “Бу шаҳар бегона эмас. Унинг салқин боғларида сенинг боланг чопқиллаб ўйнайди. Университетларида ўқиб, олим бўлади. Сен бу ерда меҳмон эмассан, шу уйнинг эгасисан!” деган хотиржам кайфият бағишлади. Ҳа, бугун энг илғор мамлакатлардан келган ишбилармонлар сармоя киритаётган ушбу йирик шаҳар мана шу қоракўз халқимиз учун қад ростламоқда! Миллий ўзлигимизни қалбида сақлаб, ягона Ватан, бир бутун халқ бўлиб яшаётган ўзбекистонликлар учун барпо этилмоқда!

Қалбимизда фахр ва ифтихор уйғотаётган йирик лойиҳанинг битишини юртдошларимиз ҳозирданоқ интиқлик билан кутмоқда. Халқни рози қилиш муҳим вазифа бўлган давлатда элнинг мана шундай орзуларини тезроқ амалга оширишга жиддий қаралиши табиий, албатта. Бунинг учун бунёдкорлик ишларини тезроқ, лекин шошилмай бажариш талаб этилади. Янги Тошкентда бунёд этилган иншоотларни ишга тушириш ва янги лойиҳаларнинг қурилишига старт бериш маросимидан сўнг ушбу масала ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

*Давоми 2-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Президентимиз Гурбангули Бердимуҳамедовни Туркманистон томонидан Авазада бўлиб ўтган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви, МДҲ саммити ва Каспий экологик форумига самарали раислик қилингани ҳамда уларни муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Туркманистоннинг минтақавий мулоқот ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги муҳим ролини яна бир бор намоён этган мазкур тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди. Эришилган келишувлар минтақада изчил тараққиёт ва осойишталикни таъминлашга қаратилган шериклигининг янги истиқболларини очмоқда.

Суҳбат давомида изчил ривожланиб, амалий мазмун билан бойиб бораётган Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклигининг барқарор ижобий суръати мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт-логистика йўналишдаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш муҳимлигини таъкидладилар.

Авазада Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини ташкил этиш тўғрисида тарихий шартнома имзоланганига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу механизмни ишга тушириш икки томонлама кун тартибининг устувор йўналишлари бўйича саъй-ҳаракатларни тизимли мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Етакчилар олий даражадаги бўлажак тадбирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар.

Якунда кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, муштарак тарих ва маданий анъаналарга асосланган Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини изчил ривожлантириш ҳамда Марказий Осиёда тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни янада мустаҳкамлашга ўзаро интилиш қатъий экани таъкидланди.

**ЎзА**

# ТАБИАТГА МУНОСАБАТ – ХАЛҚНИНГ МАДАНИЯТИ, ДАВЛАТНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧИДИР

## Тўртинчи миллий дастур шарҳи

**Етти миллий дастур — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар кўламини кенгайтириши, унинг миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлиги каби устувор йўналишлар бўйича самарадорлигини каррасига ошириши шубҳасиз. Зеро, Президентимиз мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда илгари сурган ушбу дастурлар мамлакатимизни келгуси даврда комплекс ривожлантириш ва инсон қадрини юксалтиришга қаратилган стратегик тараққиёт моделидир.**



Экологик барқарорликка доир тўртинчи дастурдан қиёс. Ушбу дастур мақсад-моҳиятидан аввал мамлакатимиз келгуси тараққиёт йўлини белгилаб берувчи стратегик дастурлар мажмуидан мазкур йўналишнинг алоҳида жой олиши заруратига тўхталиб ўтсак. Гап шундаки, жамият тараққиётининг бугунги босқичида мамлакат қудрати фақат иқтисодий ўсиш, саноат ишлаб чиқариши ёки ялпи ички маҳсулот ҳажми билан ўлчанмайди. Зеро, сувни қандай асраши, ер ва табиий бойликлардан қандай фойдаланиши, шаҳарларни қай даражада яшиллаштириши, келажак авлод учун қандай экологик муҳит қолдириши ҳам давлат тараққиётининг муҳим мезонига айланмоқда.

Ўзбекистонда экологик сиёсатнинг янги босқичи айнан шу қарашга таянмоқда. Бу жараёнда сув тежамкорлиги, “Яшил макон”, шаҳарларни кўкаламзорлаштириш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва экологик маданиятни юксалтириш бир-бирини тўлдирувчи ягона стратегик йўналиш сифатида намоён бўлмоқда.

*Давоми 3-бетда*

**Президентимиз “ЎЗ” деган янги тараққиёт фалсафасини илгари сурди. “ЎЗ” — Ўзбекистон. Ўзгариш. Ўзлик. Масъулият”, дегани. Унинг замирида жуда кучли ғоя бор. Ўзбекистонда яшаётган, ишлаётган, сармоя киритаётган ва келажак қураётган ҳар бир инсон мамлакатдаги ўзгаришларга дахлдор.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 13 октябрь, 211-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# ЯНГИ ТОШКЕНТ – ЎЗИМИЗНИКИ!

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Янги Тошкент қурилишини жадаллаштириш масалалари юзасидан инвестор ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Замонавий бинолар, инфратузилма ва бунёдкорлик салоҳияти туфайли ҳам янги шаҳарга йирик лойиҳа нисбати берилмоқда. Янги Тошкент учун 20 минг гектар ер ажратилган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзиёқ ишнинг нечоғлик кўламдор эканини яна бир карра тасдиқлайди. Биринчи босқичда 6000 гектар майдонда 50 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳозир 1000 гектардан ортиқ майдонда асосан давлат маблағи ҳисобидан қурилиш ишлари қилинаётган бўлса, тадбиркорларга 94 гектар ер ажратилган.

— Янги Тошкент фақат янги уй-жой қуриладиган ҳудуд эмас, — деди Президентимиз.

Янги Тошкент замонавий бизнес, таълим, тиббиёт, туризм ва хизмат кўрсатишни ўзига жалб этадиган мустақил иқтисодий марказга айланиши керак. Шу нуқтаи назардан, инвесторларга ажратилган ернинг учдан икки қисми уй-жой лойиҳаларига тўғри келаётгани, 28 та лотда эса фаол қурилиш бошланмагани кўрсатиб ўтилди. Айни масала атрофлича таҳлил этилиб, зарур кўрсатмалар берилди. Жумладан, бундай ҳолатни инвесторларда маблағ ёки қизиқиш йўқлиги билан изоҳлаш тўғри эмаслиги таъкидланди. Эскича талаблар, чўзиладиган рухсат бериш жараёни ва айрим идораларнинг ҳамкор ўрнига назоратчи сифатида иш тутиши лойиҳаларга тўсиқ бўлмоқда. Шу боис, тадбиркорга ер ажратишдан тортиб, объектни ишга туширишгача бўлган жараённи қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йил охиригача Янги Тошкентдаги 20 минг хонадонни фойдаланишга топшириш режа қилинган. Бу камида 70 минг киши учун янги яшаш муҳити яратишни англатади. Президентимиз уйлар билан бирга аҳолига зарур дам олиш, спорт, савдо, таълим ва тиббиёт хизматларини кўрсатиш ҳам йўлга қўйилиши кераклигини таъкидлади. Юртдошларимизга янги шаҳарда дунёнинг энг намунали “сити”ларидан ҳам яхшироқ муҳит, қулайлик яратилади. Айни пайтда шаҳар янги Ўзбекистон эришган ютуқларни янада юқори босқичга олиб чиқадиган имкониятларни тақдим этади. Масалан, юртимиз дунёга очилгач, дунё ҳам бизга кенг қулоч ёйди. Берилган эътибор, имконият ва имтиёзлар туфайли спортда ҳам катта ютуқларга эришдик. Келгуси йили 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг юртимизда ўтказилиши ҳам фикримиз исботидир.

**Янги Тошкентда қурилаётган 55 минг ўринли стадион мазкур нуфузли чемпионатга хизмат қилади. Бунинг учун стадион FIFA талабларига жавоб берадиган қилиб қурилмоқда. Келгусида ҳам самарали фаолият юритиши учун стадион ҳудуди ва атрофида зарур инфратузилма яратилади. Бунинг учун меҳмонхона, овқатланиш ва кўнгилочар масканлар эҳтиёжини ҳисоблаб, тадбиркорларга аниқ инвестиция таклифларини тақдим этиш топширилди.**

Янги шаҳардан давлат идоралари ҳам ўрин олади. Ҳозир Қурилиш, Транспорт ва Энергетика вазирликлари бу ерда фаолият юритмоқда. Бошқа идоралар ходимлари учун бинолар қуриляпти. Қолган вазирлик ва давлат ташкилотларини ҳам Янги Тошкентга кўчира бошлаш зарурлиги қайд этилди.

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар ҳақида гап кетганда, ҳаётбахш деган сўзни ишлатамиз. Бу бежиз эмас. Чунки янгиланишлар жараёнида давр нафасини ҳис этиб, келгусида ҳам самара берадиган йўл танланмоқда. Хусусан, Янги Тошкент режаси кечаги чизмалар асосида, қатъий қолипларга солиб қўйилгани йўқ. Унинг ҳаётбахшлиги шунда. Шаҳар лойиҳаси учун миллий ўзлигимизга, халқимиз розилиги йўлида хизмат қиладиган, биз танлаган йўл талабларига жавоб берадиган ўзгартиришларни киритиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари мулоқотда шаҳарнинг мастер режасини амалга оширишда инвесторлар ташаббусига кенг йўл очиш зарурлигини таъкидлади. Энди шаҳар манфаатига хизмат қиладиган ўзига хос лойиҳалар учун лот майдони ёки объект турини ўзгартириш ҳақидаги таклифлар тез ва аниқ мезонлар асосида кўриб чиқилади. Шу билан бирга, концепцияси, лойиҳа ҳужжатлари ва қурилиш рухсати олдиндан тайёрланган майдонлар сонини кўпайтириш вазифаси берилди.

Бахтни ҳамма ҳар хил талқин қилади. Чунки одамларнинг бахтиёрлигига сабаб бўладиган жиҳатлар турлича. Аммо ана шу турфалик ичида ҳам умумийлик бор. Бу тинчлик, фаровонлик ва бунёдкорлик ҳисси билан яшашдир.

Ана шундай ёруғ туйғулар билан Янги Тошкентга ҳисса қўшмоқчи бўлган тадбиркорларга қулайликлар тақдим этилади. Жумладан, йирик тижорат объектларини жалб этиш учун очиқ ташаббус ва “Swiss challenge” тамойили асосида ер ажратиш амалиёти йўлга қўйилади. Бу жараёнда инвестор ташаббуси эълон қилинади ва бошқа иштирокчилар яхшироқ шарт таклиф этмаса, ер дастлабки ташаббускорга ажратилади. Хизмат кўрсатиш ва ижтимоий объектлар қурилишини рағбатлантириш мақсадида инфратузилма тўловлари қайта кўриб чиқилади. Базавий ставка савдо, сервис ва бизнес марказлари учун уч баробар, меҳмонхона ва туризм объектлари учун беш баробар, маданият ва кўнгилочар масканлар учун ўн баробар камайтирилади. Хусусий боғча, мактаб ва шифохоналар учун тўлов бир фоиз этиб белгиланади. Ушбу тартиб қурилиши бошланган лойиҳаларга ҳам татбиқ этилади.

Янги Тошкент — келажак шаҳри! Янги Ўзбекистондаги энг йирик ташаббуслардан бири ҳам айнан келажакни — табиатни асрашга қаратилган. Шу боис, янги шаҳарда экологик талабларга янгича ёндашув асосида аниқ вазифалар белгилаб олинган. Масалан, Янги Тошкентда “яшил” бино стандартларини қўллаш билан боғлиқ харажатларни енгиллатиш чоралари ҳам белгиланди. Унга кўра, қиймати 50 миллион доллардан юқори бўлган нотурар жой лойиҳалари учун “яшил” сертификат олиш харажати давлат томонидан тўлиқ қопланади. Инвестор сотиб олган ҳар бир ер майдонининг 30 фоизини кўкаламзорлаштириш талаби бу ерда қўлланмайди. Ушбу ижтимоий масъулиятни давлат ўз зиммасига олади. Яъни шаҳар ҳудудининг 30 фоизини яшил майдонга айлантириш бош режа асосида давлат томонидан амалга оширилади.

Қиймати 50 миллион доллардан юқори бўлган ҳар бир лойиҳага масъул бириктирилиб, у объект ишга тушгунига қадар инвесторга ҳамроҳлик қилади. Бундай лойиҳалар бўйича алоҳида инвестиция битими тузилиб, унда томонларнинг мажбуриятлари ва лойиҳанинг хусусиятларига мос шартлар белгиланади.

Давлатимиз раҳбари янги имкониятлардан бутун мамлакат тадбиркорлари фойдаланиши учун янги ташаббусни илгари сурди. Унга кўра, пойтахтнинг ҳар бир туманига ва республиканинг қолган 13 та ҳудудига Янги Тошкентдан 100 гектардан майдон бириктирилади. Ушбу ер бўйича дастлабки аукционда тегишли ҳудуд тадбиркорлари иштирок этади. Яъни Янги Тошкент фақат пойтахт аҳолиси учун эмас, бутун ўзбекистонликларга дахлдор эканини қалбан ва жисмонан ҳис этиб, йирик лойиҳани халқимиз ҳамжиҳат бунёд этади.

**Хорижлик инвесторлар учун эса дастлабки 50 та лот белгиланди. Уларнинг жойлашуви, иқтисодий ҳисоб-китоби ва яратилган имкониятлар акс этган таклифлар пакети дипломатик ваколатхоналар орқали етказилади. Вазирларга ҳам йирик хорижий компаниялар билан учрашувларда Янги Тошкент лойиҳаларини тақдимот қилиб бориш вазифаси қўйилди.**

Самарқанд шаҳридаги “Ширин” массиви қурилиши кўриб чиқилди. Бу ерда ишлар суст бораётгани танқид қилинди. Айни пайтда ишларни жадаллатиш йўли кўрсатиб ўтилди. Энди Янги Тошкент учун белгиланган имтиёз ва имкониятлар ушбу массивда ҳам татбиқ этилиши айтилди.

Президентимиз инвесторларни маҳаллий ва хорижликка ажратишга муносабат билдирар экан, “Капиталнинг, илғор ғоянинг ва ҳалол меҳнатнинг миллати йўқ!” деб таъкидлади. Шу маънода, Янги Тошкент ва “Ширин” массиви қурилишида иштирок этаётган ҳар бир тадбиркор юртимиз тараққиётига ҳисса қўшаётгани қайд этилди.

Президентимиз “ЎЗ” деган янги тараққиёт фалсафасини илгари сурди. “ЎЗ” — Ўзбекистон. Ўзгариш. Ўзлик. Масъулият”, дегани. Унинг замирида жуда кучли ғоя бор. Ўзбекистонда яшаётган, ишлаётган, сармоя киритаётган ва келажак қураётган ҳар бир инсон мамлакатдаги ўзгаришларга дахлдор. Зеро, таъкидланганидек, “ўз” дегани шунчаки эгалик ҳисси эмас! У дахлдорлик, масъулият дегани. Шу эл, Ватан билан тақдирини боғлаш, унга камарбаста бўлишни билдиради.

Илдизи чуқур кетган дарахт узоқ яшайди. Худди шунингдек, “ЎЗ” туйғуси бизга бегона эмас. Унга шонли тарихимизда минглаб, миллионлаб мисол бор. Масалан, Амир Темур бобомиз элим, юртим деган дунёқараш билан давлатчиликка асос солди. Дунёнинг энг моҳир меъморларини олиб келиб, халқимизга улкан бунёдкорлик мерос қолдирди. Минг йилликлар нариданкелаётган Алпомиш мана шу Ватан орини елкасига олди. Шу элнинг шаънини улуғлади. Уларнинг ҳам қалбида ана шу ЎЗ туйғуси бор эди. Янги Ўзбекистонда бу туйғу давр нафасига мос иқтисодий-ижтимоий қиёфада қайта тикланмоқда. Унинг ҳаётбахшлиги ҳам шунда!

Тадбирда давлатимиз раҳбари инвесторлар билан мулоқот қилди, уларнинг таклиф ва ташаббусларини тинглади. У ердаги самимий мулоқотни, илгари сурилган ташаббусларни тинглаган ҳар бир инсон юз-кўзида Янги Тошкент — ЎЗИМИЗНИКИ деган қатъий ишонч балқиди.

**Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Таҳлил

# ТАРИХИЙ ЯҚИНЛИК ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

**Марказий Осиё бугун тарихий ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Асрлар давомида илм-фан, маданият ва савдо-сотиқ ривожланган, халқлар тақдири бир-бирига чамбарчас боғланган бу заминда давлатлараро муносабатлар янги мазмун касб этяпти. Минтақанинг қулай географик ўрни, бой табиий салоҳияти ва мамлакатлар ўртасида мустаҳкамланаётган ишонч халқаро ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очмоқда. Энди тарихий яқинликни иқтисодий шерикликка айлантириш, мавжуд имкониятлардан биргаликда фойдаланиш ва минтақанинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этиб боряпти.**

Бироқ географик яқинликнинг ўзи ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун етарли эмас. Бунинг учун давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, узоқ муддатли манфаатларни англаш ва келишувларнинг амалий ижросини таъминлаш зарур. Бугунги мураккаб халқаро шароитда мамлакатларнинг имкониятлари нафақат ўз ресурслари, балки бошқа давлатлар билан қай даражада самарали ҳамкорлик ўрната олиши билан ҳам белгиланади.

Давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашувида илгари сурган ташаббуслари ана шу жараённинг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Туркманистоннинг “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида ўтказилган учрашув минтақавий мулоқотни янада кенгайтириш ва амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун муҳим майдон бўлди. Озарбайжоннинг мазкур мулоқотда иштирок этиши Марказий Осиё билан Каспийбўйи макони ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо йўналишларини кенгайтириш ва янги иқтисодий имкониятлардан биргаликда фойдаланиш учун қўшимча шароит яратади.

Минтақавий ҳамкорлик мустаҳкамланиши сиёсий мулоқот билан бир қаторда давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг аниқ амалий натижаларда намоён бўлишини ҳам талаб қилади. Бу борада Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузиш жараёни якунланиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат давлатлар суверенитети ва миллий манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда умумий масалаларни биргаликда ҳал этишга бўлган интилишини ифодалайди. Унинг аҳамияти ҳамкорлик тамойилларини белгилаш билангина чекланмай, уларни изчил амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратишида ҳам кўринади.

## География имконият

Жаҳон иқтисодиётида савдо йўналишлари ўзгариб, таъминот занжирлари қайта шаклланаётган бир пайтда Марказий Осиёнинг географик ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Транспорт ва энергетика хавфсизлигига талаб ортиши минтақа мамлакатларидан мавжуд инфратузилмани ривожлантириш ва халқаро иқтисодий алоқалардаги иштирокини кенгайтиришни талаб этади.

Бунинг учун автомобиль ва темир йўллар ўртасидаги боғланишни кучайтириш, чегаралардаги расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш, логистика хизматларини мувофиқлаштириш зарур. Транспорт йўлаклари атрофида янги ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш ҳам муҳим. Чунки самарали транспорт тизими нафақат товарларни тез етказиб бериш, балки тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция жалб этиш ва янги иш ўринлари яратиш учун ҳам хизмат қилади.

Йўлнинг иқтисодий аҳамияти ундан қанча транспорт ўтгани билангина белгиланмайди. Унинг ҳақиқий самараси ҳудудларда қанча корхона ишга тушгани, тадбиркорлар учун қандай имкониятлар очилгани ва аҳоли даромадларига қандай таъсир кўрсатганида намоён бўлади. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Тошкентда “Тинчлик ва барқарор ўзаро боғлиқлик йўлида минтақалараро мулоқот: Марказий Осиё ёндашуви” халқаро конференциясини ўтказиш ташаббуси долзарб аҳамиятга эга. Инфратузилмавий ривожланиш бўйича кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш эса устувор лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва амалий ижросини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

## Олти иқтисодиёт — битта маҳсулот

Транспорт боғланишлари иқтисодий ҳамкорлик учун шароит яратса, саноат кооперацияси бу имкониятларни аниқ иқтисодий натижага айлантиради. Бугун мамлакатлар ўртасидаги одатий савдо муносабатларини кенгайтириш билан бирга бир неча давлат корхоналари иштирокида умумий маҳсулот яратиш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан, бир мамлакатда етиштирилган хомашё бошқасида қайта ишланиши, учинчи давлатда бутловчи қисмлар билан бойитилиши ва тайёр маҳсулот сифатида умумий логистика тармоғи орқали халқаро бозорга чиқарилиши мумкин. Бундай ишлаб чиқариш занжири ҳар бир иштирокчига ўз имкониятларини ишга солиш, технологиялардан фойдаланиш ва қўшимча даромад олиш имконини беради. Шу тариқа мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар оддий товар айирбошлашдан ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш муносабатларига айланади.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган “Олти иқтисодиёт — битта маҳсулот” формуласи айнан шу ёндашувни ифода этади. Унинг замирида ҳар бир мамлакатнинг мавжуд салоҳиятини бирлаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ва жаҳон бозорларига биргаликда чиқиш ғояси мужассам. Бунинг учун қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестиция жалб қилиш, лойиҳаларни молиявий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмларини ривожлантириш муҳим.

2027 йилда қадимий Хива шаҳрида Марказий Осиё ва Озарбайжон бизнес форумини ўтказиш ташаббуси ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Бундай мулоқотлар тадбиркорлар ўртасида тўғридан тўғри алоқаларни кенгайтириш, янги шерикликларни йўлга қўйиш ва истиқболли лойиҳаларни белгилаш учун имконият яратади. Айни пайтда қўшма инвестиция лойиҳаларини молиявий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш уларнинг амалга ошишини тезлаштириши мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик самараси имзоланган ҳужжатлар сони билан эмас, ишга тушган корхоналар, яратилган иш ўринлари ва халқаро бозорларга чиқарилган маҳсулотлар билан белгиланади.



Шу боис, асосий эътибор ташаббусларни амалий натижага айлантиришга қаратилиши лозим.

## Умумий вазифалар

Иқтисодий ҳамкорликнинг барқарорлиги энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан ҳам бевосита боғлиқ. Энергияга талаб ортиши, иқлим ўзгариши ва сув захираларига тушаётган босим Марказий Осиё мамлакатлари олдига умумий вазифаларни қўймоқда. Бу масалалар ечими бир давлатнинг имкониятлари билан чекланмайди, чунки табиий жараёнлар ва ресурслардан фойдаланиш кўп ҳолларда бутун минтақа манфаатларига дахл қилади.

Қуёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш, гидроэнергетика имкониятларидан самарали фойдаланиш, электр энергиясини сақлаш тизимлари ва узатиш тармоқларини такомиллаштириш минтақанинг энергетик салоҳиятини оширади. Бу йўналишдаги ҳамкорлик саноат корхоналарининг ишончли энергия таъминоти, янги инвестициялар ва экологик талабларга мос иқтисодий ўсиш учун муҳим замин яратади.

Сув масаласи эса янада нозик ёндашувни талаб қилади. Марказий Осиёнинг катта қисми Амударё ва Сирдарё сувига боғлиқ. Иқлим ўзгариши, тоғлардаги музликлар қисқариши ва сувга эҳтиёж ортиши сув ресурсларини бошқариш масаласини тобора долзарблаштирмоқда. Бу жараён қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли турмуши ва экологик мувозанатга бевосита таъсир кўрсатади.

Шу сабабли сувни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, ирригация тизимларини модернизациялаш, рақамли мониторингни ривожлантириш ва давлатлараро маълумот алмашинувини кучайтириш муҳим. Сувдан фойдаланишда ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ва узоқ муддатли режалаштириш минтақанинг барча мамлакатлари учун аҳамиятлидир.

Ўзбекистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасидаги келгуси раислиги экологик ҳамкорликни кучайтириш учун муҳим имконият яратади. Ундан фойдаланиш табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ташаббусларнинг аниқ натижалар билан мустаҳкамланишини талаб этади. Сувни тежаш, ҳаво ифлосланишини камайтириш ва Оролбўйидаги экологик муаммоларни юмшатиш нафақат бугунги кун, балки келажак авлодлар олдидаги масъулият ҳамдир.

## Табиий бойликдан юқори қийматгача

Минтақанинг иқтисодий имкониятлари муҳим минерал ресурслар билан ҳам боғлиқ. Жаҳонда электр транспорт воситалари, қайта тикланувчи энергетика ва замонавий электрон қурилмаларга талаб ортиб бораётгани бу ресурслар аҳамиятини оширмоқда. Бироқ табиий бойлик мавжудлиги ўз-ўзидан иқтисодий устунликни таъминламайди.

Асосий вазифа хомашёни қазиб олиш билан чекланмай, уни чуқур қайта ишлаш, замонавий технологияларни жорий этиш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат. Бунинг учун илмий тадқиқотлар, инвестициялар, малакали мутахассислар ва саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик зарур. Шунда табиий ресурслар иқтисодиётнинг узоқ муддатли манбаига айланиб, янги ишлаб чиқариш йўналишларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу жараёнда рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг ўрни ҳам ортиб бормоқда. Иқтисодий рақобатда энди ресурсларнинг ўзи эмас, балки маълумотлардан фойдаланиш, янги ечимлар ишлаб чиқиш ва билимни амалий натижага айлантириш қобилияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Миллий маълумотлар марказларини ўзаро боғлаш, ҳисоблаш инфратузилмасини ривожлантириш ва талаб юқори касблар бўйича минтақавий атлас яратиш илмий тадқиқотлар ҳамда рақамли хизматлар учун кенг йўл очиши мумкин. Бундай ҳамкорлик ҳар бир давлатнинг алоҳида имкониятларини умумий манфаатларга хизмат қилдиришга ёрдам беради.

Бироқ ҳар қандай технологиянинг самараси, аввало, уни ишлата оладиган инсонларга боғлиқ. Шунинг учун таълим сифатини ошириш, ёшларни замонавий касбларга тайёрлаш, илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб иш ўринларини яратиш муҳим вазифалардан биридир. Аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этадиган Марказий Осиё учун бу масала алоҳида аҳамиятга эга. Ёшларнинг билими ва қобилиятини рўёбга чиқариш уларнинг шахсий келажаги билан бирга минтақанинг иқтисодий имкониятларини ҳам белгилайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Олти иқтисодиёт — битта маҳсулот” формуласи, инфратузилмавий боғлиқлик ва энергетик барқарорликка оид ташаббуслар ўтмишдан мерос дўстликни янги даврнинг реал иқтисодий имкониятига айлантиришда муҳим роль ўйнайди. Глобал хатарлар кучайган бугунги шароитда Марказий Осиё ва Каспийбўйи маконининг бирлашган транспорт, саноат ҳамда экологик салоҳияти ички барқарорликни таъминловчи бош омилдир. Сабаби, иқтисодий ҳамкорлик қиймати шунчаки имзоланган ҳужжатлар билан чекланмай, ишга тушган қўшма корхоналар, яратилган муқим иш ўринлари, тежалган сув ресурслари ва хонадонлар ҳаётида юз бераётган реал ўзгаришлар билан ўлчанади.

**Сардор ТОЛЛИБОЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Тўртинчи миллий дастур — сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартириш.

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 13 октябрь, 211-сон

# ТАБИАТГА МУНОСАБАТ — ХАЛҚНИНГ МАДАНИЯТИ, ДАВЛАТНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧИДИР

## Тўртинчи миллий дастур шарҳи



**Абдушукур ҲАМЗАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракция раҳбари**

Бошланиши 1-бетда

Бугун дунёда “яшил иқтисодиёт”, “яшил инфратузилма”, “сув хавфсизлиги”, “иқлимга мослашув”, “ресурс тежамкорлиги” каби тушунчалар оддий экологик атамалар эмас, балки тараққиёт стратегиясининг муҳим шартига айланганини кўряпмиз. Зотан, сув ресурслари чекланган, қишлоқ хўжалиги суғоришга юқори даражада боғлиқ бўлган Ўзбекистон учун табиатнинг бебаҳо неъмати — сувдан оқилона фойдаланиш, ушбу ресурс тақсимоти борасида ўзига хос ёндашувларни амалиётга жорий этиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки иқлим ўзгариши, чўлланиш, Оролбўйи экологик инқирози ва аҳоли сонининг ортиб бориши табиатга муносабатни ўзгартиришни объектив зарурат, табиий эҳтиёжга айлантирмоқда. Ана шу эҳтиёж янги Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида экологик ислоҳотларнинг ўзагига айланмоқда.

### Экологик сиёсат формуласи

Миллий дастурнинг тўртинчиси сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга бағишланган. Бу эса экологик масалаларга энди муайян соҳа доирасидаги вазифа эмас, балки миллий тараққиётимизнинг алоҳида йўналиши сифатида қаралаётганини кўрсатади.

Тантанали маросимда давлатимиз раҳбарининг нутқидаги бир жумлани экологик сиёсатнинг ўзига хос формуласи сифатида қабул қилиш мумкин: **“Табиатга муносабат — халқнинг маданияти, давлатнинг масъулияти ва тараққиётнинг сифат кўрсаткичидир”.** Бу фикрда учта муҳим тушунча мужассам: **маданият, масъулият ва сифат.** Демак, табиатни асраш фақат экология соҳаси вакилларининг иши эмас. Бу — бутун жамиятнинг маданий такомилига хизмат қилувчи жараён. Сувни тежаш фақат сув хўжалиги тизимининг вазифасига кирмайди. Бу — давлат, фермер, тадбиркор ва ҳар бир фуқаронинг масъулияти. Яшил шаҳар эса фақат ободонлаштириш натижаси эмас. Бу — тараққиёт сифатининг кўрсаткичи.

Янги миллий дастурнинг тўртинчи йўналиши мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти ва халқимиз ҳаёти учун қанчалик аҳамиятли ва бундан нималар кутилмоқда?

Биринчидан, тўртинчи миллий дастур асосидан бири — сув масаласи Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалигидан ҳам кенгроқ тушунча. У озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги, саноат, энергетика, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли сувга муносабатнинг ўзгариши иқтисодиётнинг ишлаш механизмига таъсир кўрсатиши мумкин.

Бир неча йил аввал сув тежовчи технологияларни жорий этишга асосан муайян ҳудудлардаги илғор хўжаликлар тажрибаси сифатида қаралган бўлса, бугун у давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Ўзбекистонда экологик барқарор қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сув тақчиллиги, тупроқ соғломлиги ва пестицидлардан фойдаланишни камайтириш масалалари бўйича қилинаётган ишлар қўллаб-қувватланаётганини қайд этди. ФАОнинг “яшил” қишлоқ хўжалиги бўйича минтақавий техник платформасида Ўзбекистон пилот мамлакатлардан бири сифатида иштирок этмоқда.

Иккинчидан, сув хавфсизлиги масаласи кўпчилик тасаввур қилганидан кўра муҳим. Чунки мамлакатда сув ресурсларининг тахминан 90 фоизи қишлоқ хўжалигида сарфланади. Расмий маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб сув танқислиги 7 миллиард куб метргача етиши, узоқ истиқболда эса янада кучайиши мумкин. Шу сабабли сувни тежаш масаласи экология билан бир қаторда иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳамдир. Шунинг учун “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида сув ресурсларини самарали бошқариш, қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни кенгайтириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш ва замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Сув тежаш масаласида 2019 йилга қадар айтарли технологиялар йўқ, соҳада тизимли муаммолар йиғилиб қолган эди. Сув тежовчи технологияларни жорий қилишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари йўқлиги, маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланмагани, ҳатто сув тежовчи технологияларни жорий этиш истагидаги талабгорларни етарлича молиявий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмагани боис, 2019 йилга қадар республикада сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар бор-йўғи 28 минг гектарни ташкил этган. Технологияларни жорий қилиш бўйича малакали мутахассислар, сервис ва муҳандислик салоҳияти ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Буларнинг ҳаммаси сув тежовчи технологияларни жорий этишга катта тўсиқ бўлаётган эди.

Президентимиз бу борада яқин беш-ўн йилда мамлакатимиз қандай муаммоларга дуч келиши мумкинлигини олдиндан ҳис эта олгани боис ҳам сув тежовчи технологияларни жорий этишда мисли кўрилмаган улкан ишларни бошлаб берди. Зеро, бу қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, эртанги кунимиз билан боғлиқ стратегик масала эди.

### Ҳар томчиси ҳисобли ва қадрли

Миллий дастурда сувга муносабатни ўзгартиришнинг асосий моҳияти шунда: бир томчи сув ҳам беҳуда кетмасин, бу бебаҳо ресурс сарфи юқори қийматли маҳсулот бўлиб қайтиши шарт. Шунинг учун 2030 йилгача қишлоқ хўжалиги экин майдонида сув тежовчи технологиялар қамровини 100 фоизга етказишдек катта мақсад қўйилган. Белгиланган босқичлар ҳам аниқ: 2026 йилда — 65 фоиз, 2027 йилда — 75 фоиз, 2028 йилда — 85 фоиз, 2029 йилда — 95 фоиз ва 2030 йилда — 100 фоизлик натижага эришиш қатъий режа қилинди. Келгуси беш йилда экин майдонларида сув тежайдиган технологиялар қамровини 100 фоизга олиб чиқиш вазифаси умуммиллий марра сифатида белгиланди.

Бу улкан мақсадлар ҳам ўз-ўзидан қўйилаётгани йўқ. Сўнгги йилларда айнан шунинг учун катта замин ҳозирланди. Қисқа муддатда мамлакатимизда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш юзасидан тизимли чоралар кўрилди. Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда республикамизда томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет каби усулларда суғориш, шунингдек, ерни лазер ускунали ер текислагичлар билан текислаш технологиялари жорий қилина бошлади.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги йилларда республикамиз бўйича 664 минг гектарда томчилатиб, 121 минг гектарда ёмғирлатиб, 73 минг гектарда дискрет суғориш ва 107 минг гектарда бошқа турдаги сув тежовчи технологиялар жорий этилди ҳамда 1,6 миллион гектар майдон лазерли технологиялар ёрдамида текисланди.

Жорий йилнинг ўзида 136 минг гектарда томчилатиб, 26,7 минг гектарда ёмғирлатиб, 12,1 минг гектарда дискрет суғориш ва 157 минг гектарда бошқа турдаги сув тежовчи технологиялар жорий этилди ҳамда 302,3 минг гектар майдонда лазерли ер текислаш ишлари бажарилди.

Мисол учун, Тўрақўрғон туманидаги “Бахтиёр Неъмат Шавкатжон” фермер хўжалиги 2019-2025 йилларда суғориладиган барча майдонда — 237 гектарда сув тежовчи технологияларни жорий қилди. Илк натижанинг ўзини олинг — 24 гектар пахтазорда ҳосилдорлик 80 центнерга етган. Ҳолбуки, бунга қадар ушбу майдонда пахта ҳосилдорлиги 25-30 центнердан ошмаган.

Ёки Булунғур туманидаги “Metin Group Impeks” МЧЖ эришган натижани олайлик. 700 гектар ғаллазорда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий этилгандан сўнг ҳар гектардан 50-55 центнер ҳосил олинган. Илгари ушбу лалми ерда ҳосилдорлик ҳар гектарига 10-20 центнерни ташкил этган, холос.




Бундай мисолларни юртимизнинг барча ҳудудидан ўнлаб келтириш мумкин. Булар беш-олти йилнинг нари-берисида сув тежаш технологияларини жорий этиш борасида қўйилган дадил қадамларнинг дастлабки натижалари. Зотан, сув муаммоси барча мамлакатларни, айниқса, Марказий Осиё минтақасини қамраб келаётган ҳозирги шароитда бу йўналишдаги ишлар кўламини кескин оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Айнан шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан келгуси давр учун белгиланган миллий дастурда сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартириш масаласи алоҳида ўрин эгаллади.

### Сув текин бўлмайди

Бугун сув тежамкорлиги атрофида бутун бир иқтисодий экотизим шакланмоқда. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш фермердан — технология ишлаб чиқарувчигача, банкдан — илмий муассасагача, маҳалладаги истеъмолчидан — давлат бошқарувигача бўлган бутун тизимнинг ҳамжиҳат ҳаракатини талаб қилади.

2019 йилда сув тежовчи технологиялар бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар сони бор-йўғи 3 та бўлган, 2025 йил охирига келиб эса уларнинг сони 60 тага етган. Бу рақамнинг ортида муҳим тенденция бор. Сув тежайдиган ускуна ишлаб чиқарувчи завод учун янги бозор пайдо бўлади. Ускунани ўрнатадиган мутахассис учун янги иш ўрни очилади. Уни ишлаб чиқарадиган муҳандис учун янги инновацион вазифа юзага келади. Фермер учун эса ресурсдан самарали фойдаланиш имконияти кенгаяди.

Демак, сув тежамкорлиги иқтисодий тараққиётни ресурс самарадорлигига асосланган янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Сув тежовчи технология деганда, аввало, томчилатиб суғориш тушунилади. Аммо масала бу билан чекланмайди. 2026-2028 йилларга мўлжалланган режаларда 3,5 миллион гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, жумладан, 220 минг гектарда томчилатиб суғориш, 110 минг гектарда ёмғирлатиб суғориш ва 600 минг гектарни лазерли текислаш белгиланган. Бу технологиялар ҳисобига ҳар йили 5 миллиард куб метр сувни тежаш мақсад қилинган.

Миллий дастурдаги сувга муносабатни ўзгартириш мақсадининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, сув тежамкорлиги энди фақат “сувни кам ишлатиш” дегани эмас. У сувни аниқ манзилга, аниқ меъёрда ва аниқ вақтда етказиш маданиятини ҳам ифода этади. Масалан, томчилатиб суғоришда сув ўсимлик илдизига яқин етказилади. Ёмғирлатиб суғориш сув тақсимотини бошқа усулда ташкил этади. Лазерли текислаш эса майдон бўйлаб сувнинг бир текис тарқалишига ёрдам беради. Демак, замонавий агротехнология сувнинг табиий хусусиятини эмас, инсоннинг ундан фойдаланиш маданиятини ўзгартиради. Шу нуқтаи назардан қараганда, сув тежовчи технологиялар техник воситадан кўра каттароқ тушунча. Улар сув хўжалигида креатив ёндашувни талаб этади.

Сувни тежаш масаласида экологик манфаат биринчи ўринда туради. Аммо иқтисодий самара ҳам жуда муҳим. Статистик маълумотлар сув тежовчи технологиялар сув ресурсларини 45-50, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар харажатини 25-35 фоизгача камайтириши, ҳосилдорликни эса 15-20 фоизгача ошириши мумкинлигини қайд этмоқда. Албатта, самара муайян экин, ҳудуд, технология ва унинг тўғри эксплуатация қилинишига қараб фарқ қилади. Лекин умумий мантиқ аниқ: ресурсни тежаш — иш самарадорлигини ошириш. Шу боис, давлат томонидан молиявий рағбатлантириш механизмларининг кучайтирилаётгани ҳам ижобий натижалар бермоқда. 2026 йилда сув тежовчи технологияларни кенгайтириш учун тижорат банклари томонидан 2,6 триллион сўм кредит ва 800 миллиард сўм субсидия ажратилиши белгиланган. Бу ерда муҳим вазифа маблағни ажратишнинг ўзи эмас, унинг самарадорлигини таъминлаш экани алоҳида аҳамиятга эга.

Сувга муносабатни ўзгартириш масаласида яна бир муҳим нуқта бор: сув тежамкорлиги фақат мироб ёки фермер зиммасидаги вазифа эмас. Шаҳарлардаги коммунал тизимлар, саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳаси ва хонадонлар ҳам сувдан самарали фойдаланиш маданиятига ўтиши керак. Боиси, сувни тежаш ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида шаклланган экологик маданиятдан бошланади. Сув оқиб турган жўмрак, носоз қувур, назоратсиз суғорилаётган томорқа, ичимлик сувдан бошқа мақсадда самарасиз фойдаланиш — буларнинг ҳар бири алоҳида қаралганда кичик муаммодек кўринади. Аммо миллионлаб истеъмолчилар миқёсида улар улкан ресурс йўқотишларига айланади.

Шу сабабли экологик ислоҳотларнинг энг муҳим натижаси технологиянинг ўзи эмас, балки сувга муносабатнинг ўзгариши бўлади.

### Асрларга татигулик умуммиллий ҳаракат

Табиатга муносабатни тубдан ўзгартириш — тўртинчи миллий дастурнинг асосий ўзаги десак, муболаға бўлмайди. Айни йўналиш бўйича белгиланган кенг кўламли чора-тадбирлар эса экологик барқарорликни таъминлаш, келажак авлодга барқарор экологик мерос қолдиришимизга замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Масалан, мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш йўлидаги энг муҳим ва кенг қамров касб этаётган ташаббуслардан бири, шубҳасиз, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасидир. Ушбу лойиҳа шунчаки дарахт экиш кампанияси эмас, балки миллатнинг табиатга муносабатини тубдан ўзгартирувчи, миллий экологик маданиятни шакллантирувчи тарихий ҳаракатга айланди.

Лойиҳа доирасида мамлакатимиз бўйлаб ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатини экиш мақсад қилинган. Бу орқали шаҳар ва қишлоқларимизнинг экологик қиёфаси буткул янгиланмоқда. 2026 йил 1 апрелдаги расмий маълумотларга кўра, ўтган даврда 2000 гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парки, 47 та массивда “Янги Ўзбекистон боғи” барпо этилди. Тоғ, чўл ва адирларда 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди.

Бу ишлар натижасида мамлакатимиз бўйлаб бир миллиарддан ортиқ дарахт ва бута экишга эришилди. 2025 йил якунига келиб, яшил қоплама улуши 2020 йилдаги 8 фоиздан 14,3 фоизга етказилди.

Олдимизда турган вазифа эса янада катта: 2030 йилгача ушбу кўрсаткични 30 фоизга етказиш. Бу рақамлар “Яшил макон”нинг кўлами оддий мавсумий тадбирдан миллий экологик сиёсат даражасига кўтарилгани ифодасидир.

“Яшил макон” лойиҳасининг аҳоли фаровонлигига таъсири қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, микроиқлимнинг яхшиланиши: шаҳарларда яшил ҳудудларнинг кенгайиши ёзнинг жазирама иссиғида аҳоли учун қулай муҳит яратишга хизмат қилади. Бу, айниқса, глобал исиш шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, атмосферанинг тозаланиши: дарахт ва ўсимликлар ҳаводаги айрим ифлослантирувчи моддаларни ушлаб қолиш ва углеродни ютиш жараёнида катта роль ўйнайди. Шунинг учун шаҳарларда яшил ҳудудларни кенгайтириш аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифати учун муҳим экологик чора ҳисобланади.

Учинчидан, эстетик ва руҳий саломатлик: обод ва кўкаламзор маҳаллалар, парк ва хиёбонлар инсон учун қулай яшаш муҳитини шакллантиради, дам олиш ва жамоат ҳаёти учун имкониятларни кенгайтиради.

Шу маънода, “Яшил макон”га иқтисодий жараёндан узоқ бўлган экологик кампания сифатида эмас, балки аҳоли яшаш сифати, шаҳар инфратузилмаси ва ҳудудларнинг жозибадорлигини оширадиган узоқ муддатли инвестиция сифатида қараш керак.

Президентимиз ушбу ҳаракатни янги сифат босқичига олиб чиқиш, мактаб, боғча, шифохона ва кўп қаватли уйлар атрофидаги яшил ҳудудларни жамиятнинг дахлсиз бойлиги сифатида муҳофаза қилиш, яқин йилларда туман ва шаҳар марказларида яшиллик кўламини 30 фоизга етказиш вазифаларини белгилаб берди. Бу ерда энг муҳим масала мазкур фаолиятнинг сифатли ташкил этилишидир. Сабаби, кўчат экиш ишнинг бошланиши, холос. Асосий вазифа — уларни етарлича парвариш қилиш, агротехник тадбирлар ўтказиш.

Бу ёндашувнинг амалий маъноси шундаки, янги қурилиш режалаштирилаётганда яшил майдон кейин ўйланадиган масала эмас, балки лойиҳанинг дастлабки элементи бўлиши керак. Замонавий шаҳар — фақат бинолар йиғиндиси эмас. У — уйлар, йўллар, транспорт, сув, ҳаво, яшил ҳудудлар, пиёдалар майдонлари ва ижтимоий инфратузилманинг ягона тизими.

Шаҳарларда яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш вазифаси Ўзбекистоннинг урбанизация жараёни учун алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозир олдимизда “Яшил макон” ва “Тоза ҳаво” дастурлари доирасида шаҳарларда яшиллик даражасини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш вазифаси турибди. Шаҳар қанчалик зичлашса, яшил инфратузилманинг аҳамияти ҳам шунчалик ортади. Яшил майдонлар аҳоли дам оладиган макон вазифасини бажаради. Парк ва хиёбонлар шаҳарнинг ижтимоий ҳаётини бойитади. Яшил ҳудудлар шаҳар муҳитининг табиий қисмларидан бирига айланади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг янги босқичи сон билан бирга экологик режалаштириш маданиятини ҳам талаб қилади.

### “Яшил” ва мусаффо ҳаёт

Сув ва яшиллик бир-биридан ажралмас икки тушунча. Бу икки йўналишни алоҳида қараш тўғри эмас. Яшиллаштиришнинг ўзи ҳам сув тежамкорлигига қатъий риоя қилиш билан бўлиши зарур. Келажакда шаҳарларни кўкаламзорлаштириш сиёсатида айнан шу масала янада муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, сув сиёсати ва шаҳар экологик сиёсати бир-бирини тўлдириши керак.

Бугунги замонавий дунёда экологик самарадорлик иқтисодий самарадорликнинг бир қисмига айланмоқда. Шу боис, экологик ислоҳотлар келажакда янги иқтисодий тармоқларнинг ўсишига ҳам туртки бериши шубҳасиз. Бу жараёнда энг катта вазифа — “яшил иқтисодиёт”ни фақат давлат маблағлари ҳисобига эмас, хусусий сектор, банклар, инвесторлар, илмий муассасалар ва фуқаролик жамияти иштирокида ривожлантиришдир.

Экологик сиёсатда рақамлаштиришнинг аҳамияти ҳам ортиб боради. Шунинг учун сув ҳисобини рақамлаштириш, “ақлли” ҳисоблагичлар, мониторинг тизимлари ва рақамли маълумотлар базаси экологик бошқарувнинг муҳим қисмига айланади. 2026 йилда сув тежовчи технологияларни жорий этиш доирасида рақамли ҳисоб ва замонавий ўлчаш воситаларидан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда оддий, аммо муҳим қоида бор: ўлчанмаган ресурсни самарали бошқариш қийин. Сув ҳисобланса, унинг қиймати кўринади. Дарахт ҳисобга олинса, унинг ҳимояси кучаяди. Экологик ҳолат мониторинг қилинса, қарор қабул қилиш сифати ошади.

Экологик маданиятни юксалтириш белгиланган ислоҳотларнинг энг мураккаб босқичидир. Қабул қилинаётган қонунлар, йирик дастурлар тузиш, маблағ ажратиш, технология сотиб олиш — буларнинг барчаси бир қадар осон бўлиши мумкин. Аммо инсоннинг табиатга муносабатини бир қарор билан ўзгартириб бўлмайди. Бунинг учун йиллар давомида тизимли фаолият талаб этилади. Экологик маданиятни шакллантириш болаликдан, оиладаёқ бошланиши ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Мактабда болага сувнинг қадрини ўргатиш, дарахт экиш билан бирга уни парвариш қилиш масъулиятини ҳам тушунтириш лозим. Маҳаллада яшил ҳудудни умумий бойлик сифатида қабул қилиш маданиятини шакллантириш зарур. Корхонада сув ва энергияни тежаш ишлаб чиқариш интизомининг бир қисмига айланиши керак. Фермер учун сув — лимит ёки квота эмас, аввало, иқтисодий қийматга эга ресурс эканини англаш муҳим. Шундагина экологик сиёсат маъмурий вазифалар йиғиндисидан умуммиллий жамият маданиятига айланади.

Фаровон яшашнинг мезонлари кўп. Фаровонлик кўрсаткичлари ҳам ҳар турли ўлчамларда бор. Бироқ ҳозирги жуда тез ўзгараётган, ижтимоий-иқтисодий беқарор вазият ҳукм сураётган дунёда аҳоли фаровонлигига эришишнинг янгидан янги талаб ва мезонлари пайдо бўляпти. Табиат билан уйғун ҳолда яшашга ўтиш, қайта тикланувчи ресурслардан фойдаланиш, умуман, “яшил” ва мусаффо ҳаёт глобал дунёнинг асосий талабига айланмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган экологик ислоҳотларнинг ижобий самараси кўпайиб бораётган яшил ҳудудларда, тежалаётган сув ва энергия ресурсларида, замонавий технологиялар жорий этилаётган ишлаб чиқариш корхоналарида намоён бўлмоқда. Энг муҳими, бу жараён инсон учун муносиб ва хавфсиз ҳаёт шароитини яратишга хизмат қилиши керак. Келгуси беш йилликда аҳоли учун тоза ҳаво, сифатли сув, яшил ҳудудлар, барқарор энергия таъминоти ва муносиб иш ўринлари мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг бош мезони сифатида қўйилаётгани эса том маънодаги “яшил” тараққиёт кўрсаткичидир.

Ишончим комил, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, она табиатимизни асраш, экологик маданиятни юксалтириш ва Президентимиз томонидан белгилаб берилган “яшил” тараққиёт йўлида фидокорона меҳнат қилсак, янги Ўзбекистон дунёдаги иқтисодий қудратли ва экологик барқарор давлатлардан бирига айланади. Зеро, табиатни асраш бу — Ватанни асраш, миллат келажагини таъминлаш демакдир.

2026 йил 13 октябрь, 211-сон

Судьялик лавозимига тайинланишидан олдин номзоднинг жамоатчилик ўртасидаги обрў-эътибори, ҳалоллиги ва лаёқатлилигини ўрганишнинг аҳамияти катта.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

**Мустақилликнинг моҳияти — инсоннинг қадр-қиммати, эркин яшаши, меҳнати самарасидан тўлақонли баҳраманд бўлиши, ҳуқуқи бузилганда эса суд органлари орқали адолат ва ҳақиқатни топа олишида намоён бўлади. Бугун туб демократик ўзгаришлар, янгиланишлар кечаётган мамлакатимизнинг ҳуқуқий тараққиёт йўли, хусусан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш борасидаги тадрижий ислоҳотларини ҳам ана шу ҳаётий мезон билан баҳолаш мантиқан тўғри бўлади.**

# МАЛАКАЛИ СУДЬЯ – МУСТАҚИЛ СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ



**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
**Судьялар олий кенгаши раиси**

Шубҳасиз, янги Ўзбекистон шароитида инсонни азиз деб билиш, қадрини юксалтириш, эъзозлаш ғояси барча давлат органлари, жумладан, суд-ҳуқуқ тузилмалари зиммасига алоҳида масъулият юклаётир.

Инсон, давлат ва жамият муносабатларида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, бунда мулк, эркинлик, оила, меҳнатга оид, шунингдек, барча низоларни қонуний ва адолатли ҳал қиладиган судьянинг ҳар бир қарори ортида муайян тақдир ёки жамият тараққиёти туради. Шундан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, том маънода мустақил суд ҳокимиятини барпо этиш, биринчи навбатда, юксак маънавий фазилатларга эга, салоҳиятли, малакали, виждонли ва ҳалол судьялар корпусини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Аввало, судьянинг қонунчиликни чуқур билиши, уни тўғри қўллай олиши ва турли ташқи-ички босимларга берилмаслиги бир-бирини тўлдиргандагина одил судловнинг ишончли пойдевори яратилади. Бунда судья далилни тахминдан ажрата билиши, тарафларнинг важларини сабр-бардош билан эшита олиши, ҳар бир ҳуқуқий масаланинг моҳиятини теран англаши ва қарорини тушунарли асослаши шарт.

Айниқса, судьялик ваколатидан шахсий манфаат йўлида фойдаланмаслик, томонларнинг лавозими ёки бойлигига қараб муносабатни ўзгартирмаслик судьялик касбининг асосий талабидир.

Шу маънода, қонуний ва адолатли суд ҳужжатларини чиқара оладиган малакали судьяни тайёрлаш, танлаш ва тайинлаш, пайти келганда бир марта ўтказиладиган имтиҳон синови билан амалга ошмайди. Бу ҳар бир муносиб номзодни судьялик лавозимига тайёрлашдек ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифадан бошланиб, кейинчалик уни лавозимга тайинлаш, фаолиятни баҳолаб бориш, унинг дахлсизлиги ва мустақиллигини тизимли ҳимоя қилиш ва пировардида маънавий камолотини доимий ўстириб боришгача давом этадиган яхлит механизмдир.

## Ҳалоллик — асосий негиз

Ана шу механизмнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш мақсадида ташкил этилган конституциявий орган — Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши фаолияти ҳам айнан шу узвийликда яққол кўринади.

Судьялар ҳамжамиятининг конституциявий таянчи миллий суд тизими тарихида илк бор 2017 йилда ташкил этилди ва бу суд тизимида жуда муҳим институционал ўзгариш бўлди.

Ушбу конституциявий тузилма фаолиятининг ҳуқуқий асослари Бош қонунимизда ва 2017 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунда ўз аксини топган. Судьялар корпусини шакллантириш ва суд мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш вазифаларининг бошқа давлат органларидан мустақил конституциявий тузилма зиммасига юклатилиши суд тизимидаги кадрлар сиёсатига ёндашувни тубдан ўзгартирди.

Ушбу кенгаш судьялар корпуси шакллантирилишини ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлайди ва судьяларнинг фақат Конституция ва қонунга бўйсуниши, муайян ишлар бўйича ҳеч қандай давлат органига ёки унинг мансабдор шахсига ҳисобдор бўлмаслигини кафолатлайди.

Бу муҳим ҳуқуқий нормаларнинг халқимиз ҳаётига дахлдор маъноси жуда оддий, яъни фуқаро судга келганда иши бошқа бир идоранинг хоҳишига, мансабдорнинг кўрсатмасига ёки норасмий илтимосига қараб ҳал қилинмаслиги лозим.

Судьянинг мустақиллиги фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилади. Шундай экан, судья мустақиллигини таъминлаш бутун жамият манфаатига хизмат қилади. Судьялар олий кенгашининг ўрни ва ролини шу нуқтаи назардан баҳолаш тўғри бўлади.

Кенгашнинг асосий вазифаси муайян суд иши бўйича судья қандай суд ҳужжатини чиқаришини назорат қилиш эмас, балки судьялик лавозимларига ҳар томонлама муносиб номзодларни касбга тайёрлаш, танлаш, тайинлаш, малакасини ошириш ҳамда судьяларнинг қонуний фаолияти учун кафолатларни мустаҳкамлашдан иборат.

Судьяликка энг муносиб номзодни танлаш ва тайинлаш билан унинг мустақил фаолият юритишини таъминлаш бутун бир жараённинг ўзаро боғлиқ қисмларидир. Очиқ-ошкора ўтказиладиган танловда билим, салоҳият ва зарур кўникма, шунинг баробарида ҳалолликнинг қадри судьялик лавозимига танлаш тизимининг асосий негизини ташкил этади.

Албатта, бу жараёндаги очиқлик судьялик лавозимига муносиб номзод учун ўз қобилиятини кўрсата олиш имкониятини кенгайтиради. Муқобиллик эса номзодларнинг билими ва кўникмаларини белгиланган юксак мезонлар асосида таққослашга хизмат қилади.

Аввало, кенгаш расмий сайтида бўш судьялик лавозимлари, танлов тартиби, номзодларга қўйиладиган талаблар, имтиҳон саволлари ва қарорлар учун алоҳида бўлимлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Фойдаланувчи ва номзодлар учун бундай маълумотларнинг очиқ тақдим этилиши талабгорларнинг тайёргарлигини енгиллаштириб, танлов жараёнини номзоднинг ота-оналари, яқин қариндошлари билан бирга жамоатчилик ҳам кузатиши учун имконият яратади.

Судьяларни танлаш ва тайинлаш жараёнидаги ушбу ёндашув умумэътироф этилган халқаро мезонларга тўла мос келади.

Айни пайтгача тўпланган миллий тажрибадан чиқадиган муҳим сабоқ шуки, билимли ҳуқуқшунос бўлиш билан судьялик касбига муносиблик ўртасида катта фарқ бор. Масаланинг энг мураккаб жиҳати шундаки, билимли мутахассиснинг ҳалоллиги, холислиги ва масъулияти ҳам етарлича баҳоланиши шарт.

Миллий тизимда судьяликка номзоднинг ана шу ниҳоятда муҳим сифатларини биргаликда ўрганишга эътибор қаратилиши халқаро стандартлар билан уйғунлашувнинг амалий йўналишидир. Бу уйғунликнинг натижаси эса ҳар бир танловда адолатли мезонларга изчил риоя этиш орқали мустаҳкамланади.

Судьялик лавозимига тайинланишидан олдин номзоднинг жамоатчилик ўртасидаги обрў-эътибори, ҳалоллиги ва лаёқатлилигини ўрганишнинг аҳамияти катта.

Шу ўринда мамлакатимизда судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган ягона таълим ва тадқиқот муассасаси — Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш курсларига кириш учун айни шу жиҳатлар кенгаш томонидан ўрганилади.

Дарвоқе, яқинда Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси фаолиятида қувончли воқеа рўй берди. У халқаро миқёсдаги муҳим натижани қайд этиб, нуфузли UI GreenMetric World University Rankings халқаро рейтингида етакчи 1000 таликдан жой олди.

Мазкур юксак натижа академиянинг барқарор ривожланиш, замонавий таълим




муҳити ва экологик масъулият йўналишларидаги фаолияти халқаро рейтинг мезонлари асосида баҳоланганини кўрсатади. Ушбу нуфузли халқаро рейтингда қайд этилиши академиянинг халқаро таълим маконидаги ўрни ва танилиши кенгайиб бораётганини ифодаловчи муҳим натижалардан.

Судьяликка муносиблик фақат лавозимга тайинлаш жараёнида эмас, балки ундан анча олдин бўлажак судьянинг таълимга қабул қилиниши босқичидаёқ эътибор марказида турибди. Бундай ўрганишларда номзоднинг ҳуқуқий билими билан бирга мураккаб вазиятларда ўзини тута олиши, турли психологик босимлар, айниқса, стрессга чидамлилиги, манфаатлар тўқнашувини англаши ва ҳар қандай коррупциявий таклифга салбий муносабати муҳим аҳамият касб этади.

Бу лавозимга номзодни психологик нуқтаи назаридан тўғри баҳолаш касбий билим ва кўникмалари юзасидан суҳбат ва бошқа маълумотларни тўлдиради. Бу ўрганиш судьянинг вазифаси бўлган инсон тақдири ёки тадбиркорлик субъекти келажаги ҳақида муайян қолип асосида қатъий ҳукм чиқариш эмас, балки судьяликдек ниҳоятда масъулиятли касбга муносиблиги ҳар томонлама баҳолаш имконини оширади.

## Рақамлаштириш холисликни кучайтиради

Кенгаш фаолиятида судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнида имкон қадар инсон омили иштирокини камайтириш тенденцияси кучаймоқда. Бу субъектив ёндашув эмас. Компьютер дастури саволни танлаш, маълумотни қайд этиш ёки натижани ҳисоблашда ҳамма номзодга бир хил қоидани қўллайди. Мана шу компьютерлаштирилган дастур орқали бир номзодга енгилроқ, бошқасига қийинроқ шароит яратиш хавфи камаяди.

Бундан қарийб олти йил аввал давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида судьяларни танлаш ва тайинлаш жараёнидаги савол-жавобларни автоматлаштирилган тизим орқали амалга ошириш, психологик баҳолаш дастури ва электрон рейтингни жорий этиш вазифалари белгиланган эди.

Бу ўринда муҳим ҳуқуқий аниқликка алоҳида эътибор қаратиш зарур. Гап шундаки, компьютер судьяни ўзича лавозимга тайинламайди. Дастур танлаш ва баҳолаш жараёнининг тегишли босқичларини таъминлайди, холос. Тайинлашга оид қарор эса ваколатли орган аъзоларининг кўпчилик овози билан қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Жараённи рақамлаштириш тизимдаги масъулларнинг жавобгарлигини камайтирмайди, балки холисликни ва ҳаққонийликни оширишга олиб келади. Айни пайтда ишлаётган электрон рейтинг шу мақсадга хизмат қилади.

Қонунчиликда судья фаолиятига аралашув ҳолати юзасидан кенгаш раиси тақдимномаларини прокуратура органлари томонидан кўриб чиқиш механизми назарда тутилган. Лекин судьянинг мустақиллиги мутлақ ҳолат деб тушунилмаслиги лозим. Албатта, судья фаолияти фақат қонун доирасида амалга оширилади ва унинг мустақиллиги алоҳида устунлик бермайди. Судья қонунчиликда белгиланган жавобгарликка ҳам, судьялик одоби талабларига ҳам қатъий риоя этиши шарт.

Айни ҳолатда судьянинг қароридан норозилик билан судьяга босим ўтказиш ўртасидаги фарқни англаш жуда муҳим. Судьянинг ҳал қилув қарори устидан қонуний шикоят қилиш ва асосли танқид билдириш ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти учун табиий.

Муайян суд ишини томонларнинг ўзи хоҳлаган натижада ҳал қилишни талаб этиши эса суд мустақиллигига зиддир. Аслида, судьянинг коррупцияга қарши барқарорлиги шу ўринда намоён бўлади. Судьянинг шахс сифатидаги иродаси ушбу жараённинг марказида туради. Аввало, судья ноқонуний манфаатни рад этиши, ўз ваколатининг чегарасини билиши ва ҳар бир қарор учун виждонан масъулият ҳис қилиши лозим.

Ўтган йил якунлари бўйича 14 судья тизимдаги нуфузли “Ибратли судья” мукофотига муносиб топилган. Самарали фаолият юритган 10 нафарининг ота-онасига ташаккурнома топширилган.

Айни шу эътироф судьянинг касбида эришган ижобий натижалари билан уни тарбиялаб вояга етказган оилага нисбатан жамиятнинг ҳурматини ҳам белгилайди. Бу каби мукофотнинг тарбиявий кучи эса судьянинг келажакдаги самарали фаолиятига замин ҳозирлайди.

## Эзгу амаллар ва касбий тарбия уйғунлиги

Судьялар корпусини юксак маънавий фазилатларга эга мутахассислардан иборат таркибда шакллантириб боришда кенгаш томонидан қатор йирик маънавий-маърифий лойиҳалар ишлаб чиқилган. Зеро, қонунни мукаммал билиш судьянинг виждони ўрнини босолмайди. Судьянинг маънавий савияси унинг инсон ва жамиятга муносабатида, ўзини тутиши ва ғараз манфаатли таклиф қаршисидаги танловида яққол кўзга ташланади.

Шунинг учун судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш, судья тартиб-интизоми, одоб қоидаларига риоя этаётганини назорат қилиб бориши кенгашнинг тарбиявий йўналишдаги вазифасини тўлиқ очиб бермайди. 2020 йилдан бошлаб Судьялар олий кенгаши томонидан “Ибрат мактаби” туркумида ҳалол-пок ишлаб, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган, юксак мартабаларга эришган суд фахрийларининг ибратли ҳаёти ва самарали фаолияти ҳақида 10 дан ортиқ китоб чоп этилгани ана шу вазифанинг амалий ифодасидир.

Бундай асарлар бугун ишлаётган барча судьяларга, айниқса, фаолиятини энди бошлаган ёш судьяларга бу касбнинг инсон ҳаётидаги маъносини, ҳалолликнинг кундалик қарорларда қандай намоён бўлишини ич-ичидан англашга ёрдам беради.

Очиқ танлов, рақамли баҳолаш, дахлсизлик кафолатлари ва маънавий тарбия фақат бир эзгу мақсадга — инсоннинг ҳуқуқини ишончли ҳимоя қиладиган судьяни камол топтиришга хизмат қилиши керак. Зеро, малакали судья — мустақил суд ҳокимиятининг таянчи деган фикрнинг ҳаётий маъноси шунда акс этади.

Билими чуқур, виждони уйғоқ ва иродаси мустаҳкам судья қонунни инсон тақдирига дахлдор масъулият билан қўллайди. Ана шундай судьялар корпуси фуқаронинг судга, судьяга, пировардида адолатга ишончини мустаҳкамлайди. Инсонни эъзозлайди, унинг қадри-қимматини юксалтиради ва янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳуқуқий пойдеворини кучайтиради.

Бугуннинг гапи

# Навоийда туризм соҳаси: УЛКАН МАРРАЛАР КЎЗЛАНМОҚДА



**Бир қарашда саҳро ва чўл ҳудудлардан иборатдек кўринадиган Навоий вилоятининг бетакрор табиати, бой тарихи, қадимий маданий мероси, муқаддас зиёратгоҳлари бор. Бу туризмнинг бир неча йўналишини ривожлантириш имкониятини беради.**

Шу йил 11 февралда Президентимизнинг “2026 йилда Навоий вилоятини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Унда туризм соҳаси бўйича ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ҳозир қарор ижросини таъминлаш ишлари авжида.

— Навоий вилоятига жорий йилда 443 мингдан ортиқ хорижий ва 2 миллиондан ортиқ маҳаллий сайёҳ ташрифи кузатилди, — дейди Навоий вилояти туризм бошқармаси бош мутахассиси Шаҳзод Салимов. — Бу ўтган йилнинг шу давридагидан деярли икки баробар кўп. Жорий йилда вилоятда 64 та янги жойлаштириш воситаси очилди ва 1000 дан ортиқ янги ўрин яратилди. Ҳозир жойлаштириш воситалари сони 368 тага, улардаги ўринлар сони эса қарийб 9 мингга етказилди. Бундан ташқари, 12 та янги туризм корхонаси иш бошлади. Шу тариқа уларнинг сони 105 тага етди. Вилоятда 13 тадан ортиқ инвестицион лойиҳа амалга оширилиб, қарийб 117 миллиард сўм ўзлаштирилди. Натижада туризм соҳасида янги иш ўринлари яратилиб, 345 дан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланди. Яқинда Навбаҳор туманида “Сармишсой” сиҳатгоҳи фойдаланишга топширилиб, қирқдан ортиқ фуқаро ишли бўлди.

Жорий йилда вилоятда туризмни ривожлантиришга қарийб 38 миллиард сўм ажратилиб, 11 та объектда ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Туризм қишлоқлари ва маҳаллаларига олиб борувчи 20 километрдан ортиқ йўл таъмирланди, 5 та янги кўприк қурилди. 5 километрдан ортиқ ичимлик сув тармоғи таъмирланди. Электр таъминотини яхшилаш ишлари давом этмоқда.

— Туризм фақат меҳмонхона ёки меҳмон уйлари сони кўпайиши билан чекланмайди, — дейди Шаҳзод Салимов. — Сайёҳ келиши учун уни қизиқтирадиган манзил, бориш учун қулай йўналиш ва у ерда вақт ўтказиш имкони бўлиши керак. 2017 йилда вилоятда бор-йўғи 1 та сайёҳлик йўналиши мавжуд эди. 2025 йилда вилоятда 21 та янги туркомпания очилиб, умумий сони 95 тага етказилди ва 30 та янги сайёҳлик йўналиши ишлаб чиқилди.

Вилоятда янги меҳмон уйлари, хостеллар, кемпинглар, сайёҳлик йўналишлари ва хизмат турлари пайдо бўлиши ҳудуд иқтисодиётида янги жараёнларни юзага келтирмоқда. Соҳа ривожланган сари маҳаллий аҳоли учун ҳам янги даромад манбалари пайдо бўлмоқда.

Мавжуд тарихий ва маданий мерос объектларини ягона туристик тизимга бирлаштириш мақсадида “Туризм ҳалқаси” дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур Нурота туманидаги Чашма зиёратгоҳини Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Бухоро вилоятидаги Етти пир зиёратгоҳлари билан боғлайди. Унинг таркибига 18 та маданий мерос объекти, 8 та туризм қишлоғи ва маҳалласи ҳамда 130 та туризм объекти киритилган. Яъни сайёҳлар биргина объектни кўриб қайтиш билан чекланмайди. Улар бир йўналиш давомида бир неча тарихий, маданий, зиёрат ва табиий масканга ташриф буюриши мумкин.

— Айдаркўл ҳудудида кўплаб ўтовлар қўйилган, — дейди Нурота тумани маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Воҳид Қобилов. — Тоғларда сайёҳларга хизмат кўрсатадиган жойлар ташкил этилган. Бундан ташқари, кўплаб уй-меҳмонхоналар қурилиб, уларда меҳмонларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Нуротанинг туризм салоҳияти юқори бўлгани, объектлари кўплиги сабаб меҳмонлар оқими шунга яраша ортиб бормоқда. Ҳозир Чуя қишлоғи ҳам халқаро туристик мақомга эга ҳудудлар қаторига қўшилиб, экотуризм соҳаси ривожланаётир. Бу ерда нафақат юртдошларимиз, балки қўшни давлатлар вакиллари ҳам келиб, дам олиб кетмоқда.

Айни вақтда ҳудудда экстремал туризм ривожига эътибор қаратилмоқда. Ўртоқсой тоғлари, унинг бетакрор табиати билан қизиққан сайёҳлар экстремал спорт турлари билан ҳам шуғулланиб кетмоқда. Бу эса сайёҳнинг ҳудудда қолиш муддатини узайтириш, хизматларга талабни ошириш орқали иқтисодий фаолликни кучайтиришга ҳисса қўшмоқда.

2025 йилда Нурота туманидаги Чуя, Хатирчи туманидаги Лангар ва Ангидон маҳаллаларига “туризм маҳалласи” мақоми берилгани ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини янги босқичда намоён этиш учун яратилган имкониятдир. Хусусан, Хатирчининг Лангарига “туризм маҳалласи” мақоми берилгач, бу ерда қатор янги лойиҳалар амалга оширилди. Қиймати 1,5 миллиард сўмлик селфи майдончаси ва кемпинглар ташкил этилди. Меҳмон уйлари сони 20 тага етказилди. Тоғ ҳудудига пиёда чиқиш — трекинг йўналиши оммалаштирилди. Бундан ташқари, қиймати 3 миллиард сўмлик 2 та “Zipline” ва тюбинг хизматлари ташкил этилди. Бу объектлар, бир томондан, сайёҳлар учун янги таассурот ва дам олиш имкониятини яратса, иккинчи томондан, ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига хизмат қилмоқда.

Айниқса, экотуризм учун Хатирчи туманининг табиий имкониятлари алоҳида аҳамиятга эга. Замонавий туризмда инсон табиат билан уйғунликда дам олишни истайди. Шунинг учун ҳам экотуризм ва экстремал туризм каби йўналишларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

— Лангар туризм маҳалласига сайёҳлар оқими кундан кунга кучаяётир, — дейди Навоий вилояти туризм бошқармаси бошлиғи Ҳилола Худойбердиева. — У ерда кўрсатилаётган хизмат турлари кўпайиши аҳоли томонидан ҳам ҳар мавсумга катта тайёргарлик кўрилаётганидан далолат беради. Бу турдаги дам олиш масканларини бутун дунёга танитиш мақсадида тур тарғиботи акциялари ўтказиб келинмоқда.


Сайёҳ учун бир ҳудудда тарих ва табиат, зиёрат ва экстремал дам олиш, миллий таомлар ва замонавий туристик хизматлар уйғунлашиши катта қизиқиш уйғотади. Айни шу жиҳатдан вилоятда туристик кластерларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Туризм кластери бир ҳудудда туристик хизматларни ўзаро боғлаш, сайёҳ учун яхлит туристик маҳсулот яратишга йўл очади. Яъни сайёҳ бир манзилга келади ва бир вақтнинг ўзида жойлашиш, овқатланиш, саёҳат, бошқа хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлади. Муҳими, бу жараёнга маҳаллий аҳоли ва тадбиркорлар ҳам тобора кўпроқ жалб этилмоқда. Ҳозир “Қизилқум сафари” МЧЖ ва “Спутник Навоий” МЧЖга “туризм кластери” мақоми берилган.

Бугунги Навоийни кечагиси билан таққосласак, ҳар бир соҳадаги ўзгаришларни рақамларда ҳам, ҳудуд қиёфасида ҳам кўриш мумкин. Туризм соҳаси эса жадал ривожланиб, ушбу йўналишдаги салоҳиятни тўлиқ намоён этиб бормоқда.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ўқитиш мазмуни ва сифатини такомиллаштириш мақсадида кўрилган чоралар бугуннинг ўзидаёқ самара бермоқда. Зотан, 2025 йилда университет талабаларининг 11 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси ҳамда бошқа номдор стипендиялар соҳиби сифатида эътироф этилгани фикримиз далилидир.








Ислоҳот одимлари

**Карши давлат университети Қашқадарё воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида алоҳида ўрин тутиб келган. У 80 йиллик фаолияти мобайнида вилоятга 70 мингдан ортиқ малакали мутахассис етказиб берди.**





# ЯНГИЛАНИШЛАР ФАОЛИЯТ МЕЗОНИГА АЙЛАНМОҚДА

ОТМ кўп йиллик тарихи давомида таълим, илм-фан ва тарбия соҳаларидаги фаолиятини жамият эҳтиёжлари ҳамда давр талабларига мос равишда ташкил этиб, такомиллаштиришиб келди. Бироқ XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг янги босқичга кўтарилиши, янги иқтисодий муносабатларнинг қарор топиши, меҳнат бозорида таркибий ўзгаришларнинг юзага келиши, рақамли технологияларнинг жадал суръатда ривожланиши, глобал академик макон билан интеграциялашиш заруратининг пайдо бўлиши университет анъанавий фаолият моделини қайта кўриб чиқишни тақозо эта бошлади. Шу тариқа университет фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, янги ёндашув ва тамойиллар асосида қайта ташкил этиш зарурати туғилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, энг катта бойлик бу — ақл-заковат ва илм, энг катта мерос бу — яхши тарбия, энг катта қашшоқлик бу — билимсизликдир. Шундан келиб чиқиб, университетимизни юксалтириш концепцияси асосига уч ўзаро боғлиқ вазифа — инсон капиталини ривожлантириш, илм-фан ва инновацияларни кучайтириш ҳамда маънавий-маърифий муҳитни такомиллаштириш масалалари қўйилди.

## Замонавий инфратузилма ва сифатли таълим

Университетимизда сўнгги беш йилда моддий-техник базани мустаҳкамлаш, инфратузилмани тубдан янгилаш, таълим сифатини ошириш ва рақамлаштириш мақсадларига бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан 222,3 миллиард сўм йўналтирилди. Инфратузилмавий ўзгаришларнинг энг муҳим натижаларидан бири янги ўқув бинолари ва таълим объектларининг барпо этилиши бўлди. Хусусан, 2023 йилда 1000 ўринли янги ўқув биноси ва “Ёшлар маркази” бунёд этилди. Ўн йиллар муқаддам қурилган 1500 ўринли ўқув биноси капитал таъмирдан чиқарилиб, энг янги ва замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Кўп йиллар мобайнида фойдаланилмай келинган бино реконструкция қилиниб, “Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази”га айлантирилди.

Моддий-техник базани мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар анъанавий ўқув биноларини барпо этиш ва таъмирлаш, ўқув аудиториялари сонини ошириш билан чеклангани йўқ. Айни пайтда табиий фанлар бўйича таҳсил олаётган талабалар учун “География майдони”, замонавий футбол майдони, 240 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳам барпо этилди. Ер ости сизот сувини “ОСМОС” технологияси орқали тозалайдиган ва суткасига 300 куб метргача тоза сув етказиб берадиган иншоот фойдаланишга топширилди.

Сўнгги беш йилда талабаларнинг яшаши ва кундалик эҳтиёжи учун қулай шароит яратиш ҳам эътибор марказида бўлди. Университетнинг бу борадаги имкониятини такомиллаштириш мақсадида 2021-2024 йилларда 3 та янги талабалар ётоқхонаси қурилиб, қўшимча 1382 ўрин очилди. Шу тариқа ОТМ тасарруфидаги замонавий шамоллатиш ҳамда ёнғин хавфсизлиги тизимлари билан таъминланган талабалар турар жойлари 10 тага, улардаги ўринлар сони эса 3038 тага етказилди. Натижада Қарши давлат университети мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасида биринчилардан бўлиб талабаларнинг ётоқхонага эҳтиёжини 100 фоиз таъминлади. Бундан ташқари, 2024 йилда 300 ўринли талабалар ошхонаси ва маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишга туширилгани йигит-қизларнинг таълимдан ташқари эҳтиёжини тўлақонли таъминлаш учун шарт-шароит яратди.

ОТМ ҳудудини ободонлаштириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар қилинди. Жумладан, ички йўлакларнинг 20 минг квадрат метрига замонавий плита қопланди, 15 минг квадрат метрда ёмғирлатиб суғориш тизими йўлга қўйилиб, яшил ҳудудлар ташкил этилди. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, таълим муассасаси ҳудуди воҳада ҳавас уйғотадиган масканга айланди.

Олийгоҳ инфратузилмасини замонавийлаштириш жараёни экологик ва энергия самарадорлиги масалаларини ҳам қамраб олди. Хусусан, университет ҳудуди ва биноларига умумий қуввати 1545 киловатт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Мазкур панеллар орқали биргина ўтган йили 1 миллион 790 минг 933 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилди. 933 минг 610 киловатт энергия университет эҳтиёжига йўналтирилган бўлса, қолган 797 минг 283 киловати шартнома асосида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига сотилди. Шунингдек, қуёш панелларидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси мониторингини юритиш учун “Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш лабораторияси” барпо этилди. Кўрилган чоралар туфайли университет биноларини қуёш панелидан олинган электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш имконияти яратилди. Бу лойиҳа университет инфратузилмасини экологик барқарор кампус моделига ўтказиш тенденциясини юзага келтирди.

Экспертлар гуруҳи 2026 йили университетдаги янги таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш жараёнида ўқув бинолари, моддий-техник база, ахборот-ресурс маркази, рақамли таълим муҳити ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс ўрганаркан, ОТМ инфратузилмаси аккредитация мезонларига мутлақо мос эканини қайд этди. Бу хулоса университетда ўқитиш, илм-фан ва талабалар ҳаёти учун мослаштирилган янги муҳит шаклланганидан далолат беради.

## Назария ва амалиёт мутаносиблиги

Ўзгаришларнинг муҳим йўналишларидан бири муассасадаги ўқув-маърифий жараённи жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари ва меҳнат бозоридаги ўзгаришлар билан уйғунлаштиришга доир бўлди. Бундай вазифа кун тартибига қўйилгани тасодифий эмас, албатта. Замонавий олий таълим олдидаги асосий масалалардан бири меҳнат бозорида талаб мавжуд бўлган соҳалар бўйича ўз касбий билимини амалиётда қўллай оладиган, рақамли ва коммуникатив компетенцияларга эга мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари 2021 йил 16 июнда олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда ўқув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Меҳнат бозоридаги вазият олий таълим муассасаларидан ўқув дастурларини мунтазам янгилаб боришни талаб этмоқда. Масалан, иқтисодиётга сунъий интеллект, автоматлаштириш ва янги технологияларнинг кириб келиши меҳнат бозоридаги касблар таркибини кескин ўзгартирмоқда. ОТМ ўқув фаолиятини мазкур трансформация жараёнини инобатга олган ҳолда ташкил этмас экан, тез орада иқтисодий эҳтиёжлар ва меҳнат бозори талабларидан узилиб қолади. Университетимизда таълим йўналишлари ва мутахассисликлар таркибининг кенгайиши ана шу зарурат билан боғлиқ. Давр талабларидан келиб чиқиб, ОТМда қатор янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар очилди. Натижада таълим йўналишлари сони 2021 йилдаги 43 тадан 78 тага, магистратура мутахассисликлари сони 17 тадан 28 тага етди. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар сонидаги ўзгаришлар муассасада фаолият юритаётган кафедралар таркибига ҳам таъсир кўрсатди: сўнгги беш йилда кафедралар сони 34 тадан 43 тага кўпайди. Шу билан бирга, 16 таълим йўналиши дуал таълим тизимига ўтказилди. Бу ўзгаришлар университет таълим портфелини сезиларли даражада кенгайтирди ҳамда унинг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қоплаш имкониятини оширди.

Ўқитиш сифати ва мазмунини такомиллаштириш борасидаги ишлар миқдорий кенгайиш доирасида чекланиб қолгани йўқ. Университет ўқув дастурлари халқаро тажрибалар асосида қайта кўрилди. Чунончи, шу мақсадда 42 мамлакатнинг 88 та етакчи олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Шунга мувофиқ, 2024 йилда 34 ўқув дастури энг илғор 300 таликка кирувчи университетларнинг дастурлари асосида такомиллаштирилган бўлса, 2026 йилга келиб, бу кўрсаткич 300 тага етди. Бундан ташқари, 8 та хорижий олий таълим муассасаси билан 11 та қўшма таълим дастури йўлга қўйилди. Мазкур дастурлар талабаларга икки мамлакат олий таълим муассасаларида таълим олиш ва қўшма дипломга эга бўлиш имконини тақдим этди. Бундай ҳамкорлик университетда таҳсил олаётган йигит-қизларнинг халқаро меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Шу маънода, университетда ўқув жараёнини нафақат маҳаллий ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларга мослаштириш, балки глобал академик талаблар асосида ташкил этиш масаласи ҳам эътибор марказида бўлди.

Бугун меҳнат бозоридан ўрин топиш учун фақат дипломнинг ўзи етарли эмас. Замонавий мутахассис кенг амалий кўникмалар, рақамли саводхонлик, мустақил меҳнат қилиш малакаси, турли ижодий лойиҳаларни рўёбга чиқариш қобилиятига эга бўлмоғи, бир ёхуд бир неча хорижий тилни ўзлаштирмоғи зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, университетда таълим тизимини рақамлаштириш ўқув-маърифий жараённи такомиллаштириш ишларининг алоҳида йўналишига айлантирилди. Хусусан, муассасада 2024 йилдан медиамарказ фаолияти йўлга қўйилди. Бу марказ бугун ОТМ етакчи профессор-ўқитувчилари маърузаларининг аудиовизуал контентини яратиш, аудиокитоблар тайёрлаш, 3D ва VR таълим маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан машғул. Мазкур технологиялар талабаларнинг таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтириш билан бирга муассасада рақамли таълим муҳитини шакллантирди. Бундан ташқари, ОТМда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 2026 йили 1570 талаба ўқитилди. Уларнинг 1400 нафари профессионал халқаро АТ сертификатини қўлга киритди. Талабалар ҳамда вилоят ёшларининг чет тиллар бўйича билими ва кўникмасини ошириш, хорижда ўқиш ёки ишлаш ниятидаги йигит-қизларнинг хорижий тилни билиш даражасини кўрсатувчи сертификатни олишида амалий кўмаклашиш учун инглиз, француз, немис, хитой, рус, корейс тиллари ўқув курслари очилди.

ОТМнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси 2025 йилда 100 фоизга етказилди. Бу ютуқларга университет жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, профессор-ўқитувчилар ва изланувчилар томонидан биргина ўтган йили 37 дарслик, 94 монография, 139 ўқув қўлланмаси чоп этилиб, кутубхонага топширилди.



Профессор-ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш, талабаларнинг имкониятлардан тўлақонли фойдаланишини таъминлаш учун 2022 йили республикада биринчи бўлиб “Регистратор офиси” ташкил этилди. Бугун ушбу офисда талабаларга 67 турдаги, профессор-ўқитувчиларга эса 43 турдаги таълим хизматлари кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, офис жаҳоннинг илғор 300 олий таълим ташкилоти тажрибасини трансформация қилиш билан ҳам шуғулланмоқда.

Ўқув-маърифий ишларни меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштириш ишларининг мантиқий давоми битирувчилар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ, албатта. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ ҳамкорлигида “Келажакка қадам” ҳудудий маркази фаолияти йўлга қўйилди. Дастур доирасида 2025 йили университетнинг 103 битирувчиси “Бизнес ғоядан тайёр лойиҳагача” номли танловларда иштирок этди. Уларнинг 8,4 миллиард сўмлик лойиҳалари тўлиқ молиялаштирилди.

Ўқитиш мазмуни ва сифатини такомиллаштириш мақсадида кўрилган чоралар бугуннинг ўзидаёқ самара бермоқда. Зотан, 2025 йилда университет талабаларининг 11 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси ҳамда бошқа номдор стипендиялар соҳиби сифатида эътироф этилгани фикримиз далилидир. Шунингдек, университетимизнинг талабалар жамоаси олий таълим муассасалари терма жамоалари ўртасида Президент совғини учун ўтказилган “Интеллектуал олимпиада”да 1-ўринни эгаллаб, бош совринни қўлга киритди. Совға тариқасида берилган 3 миллиард сўм университет кутубхонасини мукаммал таъмирлашга сарфланди.

## Интеграция — давр талаби

Ўзгаришларнинг муҳим йўналишларидан яна бири илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишнинг мазмуни, кўлами ва институционал механизмларини янгилашдан иборат. Бу борада, биринчидан, илмий-тадқиқот инфратузилмасини янгилашга катта эътибор қаратилди. Хусусан, 2021-2026 йилларда университетда 41 та ўқув-илмий лаборатория замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, илм-фан ва таълим интеграциясини янги босқичга олиб чиқиш учун халқаро стандартларга жавоб берадиган “Замонавий халқаро илмий лабораториялар маркази” барпо этилди. Унинг ташкил қилиниши илмий-тадқиқот жараёнини назарий изланишлар билан чекланмай, экспериментал ва амалий тадқиқотлар билан бойитиш имконини кенгайтирди.

Иккинчидан, университет илмий ҳамжамиятини халқаро илмий муҳитга интеграция қилишга эътибор берилди. Шу мақсадда хориждан етакчи 54 олим ишга жалб этилди. Айни пайтда профессор-ўқитувчиларнинг чет элдаги ҳамкор олий таълим муассасаларида илмий-амалий стажировка ўташи имконияти кенгайтирилди. Мазкур амалиёт тадқиқотчиларга хорижий илмий мактаблар тажрибасидан фойдаланиш, халқаро илмий алоқаларни кенгайтириш, тадқиқот натижаларини халқаро академик маконга олиб чиқиш имконини берди.

Учинчидан, тадқиқот натижаларини инновацион маҳсулот, технология ёки амалий лойиҳага айлантириш вазифаси кун тартибига қўйилди. Уни бажариш учун Инновацион ривожланиш агентлиги, Жаҳон банки ва халқаро лойиҳалар танловларига 50 дан ортиқ лойиҳа тақдим этилди.

Тўртинчидан, университетда фаолият юритадиган илмий кенгашлар сони оширилди. Жумладан, 2021 йили университетда 3 та илмий кенгаш ишлаган бўлса, 2026 йилга келиб улар сони 7 тага етди. Ҳар йили ОТМ илмий кенгашларида 120 дан ортиқ илмий иш ёқланмоқда. Кўрилган чоралар самараси ўлароқ, университет илмий салоҳияти 2021 йилдаги 27 фоиздан 2026 йили 60 фоизга кўтарилди. Бугун олийгоҳда 58 фан доктори, 288 фан номзоди ва фалсафа докторлари фаолият юритмоқда.

Илмий фаолиятдаги ўзгаришлар чоп этилган мақолалар кўрсаткичида ҳам яққол кўринди. Айниқса, халқаро илмий базаларда индексацияланувчи нашрларга эътибор ортди. Web of Science ва Scopus базаларидаги журналларда 1000 дан ортиқ мақола эълон қилинди. Халқаро журналларда университет олимларининг 1073 та, республика миқёсидаги журналларда 1219 та илмий мақоласи нашр этилди. Шу тариқа ОТМ илмий жамоатчилигининг кейинги йиллардаги муваффақияти муассасани таълим, илм-фан, инновация ва халқаро ҳамкорликни бирлаштирувчи замонавий университет моделига яқинлаштирди.

## Етук шахсни камол топтириш манбаи

Университетимизда маънавий-тарбиявий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Бунда асосий эътибор талабаларнинг маданий савиясини юксалтириш билан бирга уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратиляпти. Мазкур ёндашувнинг муҳим жиҳати шундаки, маънавий-маърифий ишлар ёшларнинг бўш вақтини шунчаки мазмунли ўтказиш тадбирлари мажмуидан эмас, балки дунёқарашини кенгайтириш, фазилатлари, ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини шакллантиришга йўналтирилган тизимли фаолиятдан иборат бўлмоғи даркор.

Талабалар хавфсизлигини таъминлашга ҳам бирламчи эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда “Хавфсиз ҳудуд — хавфсиз талаба” тамойили жорий этилди. Сўнгги русумдаги Face ID (юзни таниб олиш) функцияси билан таъминланган камералар воситасида ҳудудни марказлашган ҳолда мунтазам назорат қилиб борувчи “Вазиятлар маркази” ташкил этилди. Ҳудуддаги тартиб-интизомни кузатиб борадиган “Қалқон” гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди. Университетнинг бу тажрибаси кейинчалик эътирофга сазовор муваффақият сифатида мамлакат олий таълим муассасалари бўйлаб кенг оммалаштирилди.

Маънавий-маърифий ишлар самарасини ошириш учун ОТМда таҳсил олаётган йигит-қизларнинг соғлом турмуш тарзига риоя этиши талаб қилинади. Халқ мақолида айтилганидек, соғ танда — соғлом ақл. Шу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда, талабалар ўртасида футбол, мини футбол, баскетбол, волейбол, шахмат-шашка, бадминтон, стол тенниси ва кураш бўйича “Вазир кубоги”, “Ҳоким кубоги”, “Students’ Cup”, “Ректор кубоги”, университет ва факультетлар биринчилиги каби 140 га яқин мусобақа уюштирилди.

ОТМнинг “Лочин” футбол клуби қатор ютуқлари билан мамлакатимиз спортини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, 2022 йили “Ҳоким кубоги” мусобақаси ғолиби бўлди. Соҳил футболи бўйича Ўзбекистон чемпионатида бронза медални қўлга киритди. 2024 йили Наманган шаҳрида ўтказилган Ҳудудий кубок эгалари кубоги мусобақасида ҳам муваффақиятли қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Футбол клубининг ПФЛ талабларини тўлиқ бажаргани ва 2026 йилдан мамлакат пролигасида иштирок эта бошлагани йигит-қизларнинг жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзи меъёрларига эътибори ҳамда қизиқишини буткул оширди.

Замонавий университетда таҳсил олган талаба миллий ва умуминсоний қадриятлардан, инсоният асрлар давомида тўплаган билим ва ғоялардан хабардор бўлмоғи ва улар асосида фаолият кўрсатмоғи даркор. Шуни инобатга олган ҳолда, университетда ёшларни маданият ва санъат асарлари билан таништиришга кенг ўрин берилмоқда.

Маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масаласи ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни қўллаб-қувватлаш билан ҳам боғлиқ. Айни пайтда кундузги таълимда ўқиётган ёшларнинг 458 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож сифатида қайд этилган. Жорий ўқув йилида бу йўналишдаги фаолият доирасида ногиронлиги бор 145 талабага базавий стипендиясининг 50 фоизи миқдорида қўшимча тўлов амалга оширилди. Ота-она қарамоғидан маҳрум 36 талабанинг стипендияси 50 фоиз кўпайтирилди, 24 талабага ўқув ва бадиий адабиётлар харид учун 45 миллион сўмлик субсидия ажратилди. Қўллаб-қувватлов туфайли мазкур йигит-қизлар ўзини университет жамоасининг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилмоқда ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этмоқда.

## Рейтинг — мавқе, натижа ва барқарорлик

Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар муайян натижалар билан бирга университетимизнинг миллий ва халқаро рейтинглардаги мавқеида ҳам ўз ифодасини топа бошлади. Жумладан, Қарши давлат университети республика олий таълим муассасаларининг миллий рейтингида 2021 йилдаги 46-ўриндан 2023 йилда 30-ўринга кўтарилди. Бу кўтарилишни ОТМдаги тизимли ўзгаришларнинг институционал натижаларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин.

Университет халқаро рейтингларда ҳам иштирок эта бошлади. Хусусан, 2022 йилда Times Higher Education агентлигининг World University Rankings — 2023 рейтингида “Reporter” мақомига эга 28 нуфузли олийгоҳдан бири бўлди. Бу ҳолат ОТМнинг халқаро академик макондаги иштирокининг дастлабки институционал босқичи бўлди. Кейинги йилларда рейтинглардаги иштироки доираси янада кенгайди. Масалан, университет QS Asia University Rankings — 2026 да Осиёдаги 1534 университет орасида 901-950 ўринлар оралиғидан жой олди. Бу натижа Қарши давлат университетининг халқаро рейтинглар тизимидаги иштирокини бир марталик ҳолатдан давомли жараёнга айлантирди.

Рейтинглардаги ўзгаришлар фақат академик кўрсаткичлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Барқарор ривожланиш ва ижтимоий масъулият кўрсаткичларини ифодаловчи “Times Higher Education Sustainability Impact Ratings” тизимида ҳам иштирок этмоқда. Жаҳоннинг 116 мамлакатидаги 1646 та университетни баҳолаган мазкур рейтингда у 1001-1500 ўринлар гуруҳидан жой олган. Университетнинг ушбу рейтингдаги иштироки даргоҳнинг барқарор ривожланиш борасидаги зафарлари халқаро мезонлар асосида баҳоланаётганини англатади.

**Санжар ЧОРИЕВ,**
**Қарши давлат университети**
**профессори**



# Тил – миллатнинг маънавий хазинаси

**Тил ҳар қандай миллатнинг буюк маънавий хазинаси, қалб кўзгуси. Ёқимли сўз, ифодали талаффуз кўнгилга хуш кайфият бахш этади. Инсоннинг нутқи шундай сирли хилқатки, унда сўзловчининг қалби, одоб-ахлоқи ва албатта, ички дунёси ўз аксини топади. Давлатимиз раҳбари сўзлари билан айтганда, “Миллий тил ҳар бир маданий халқнинг тарихи ва ўзлигини, руҳий-маънавий дунёсини ўзида акс эттирадиган тенгсиз бойликдир. Қадимий тарихимизнинг энг оғир ва синовли даврларида ҳам бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб, азалий қадриятларимизни асрлар оша безавол сақлаб келаётган она тилимизни ҳар қанча ардоқласак, улуғласак арзийди”.**



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

Кайковуснинг машҳур “Қобуснома” асарида нутқ ва муомала одобига алоҳида эътибор берилган. Асарнинг еттинчи бобида қуйидагиларни ўқиймиз: “Эй фарзанд, токи қила олсанг (яъни қўлингдан келса), сўз эшитмакдин қочмағилким, киши сўз эшитмак била сухангўйлик ҳосил қилур... Ёлғон ва беҳуда сўз айтмак девоналикнинг бир қисмидур. Ҳар кишига сўз айтар бўлсанг, қарағил, у сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса, ул сўзни қўйиб, бошқа шундоқ сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин”.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида тил одоби, яъни ўқиш ва билим олишда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик хусусида қуйидагилар баён қилинади: “Тил ақл ва билимнинг таржимонидир. Билки, кишини нуроний қилувчи восита унинг очиқ ва мазмундор тилидир.... Тил кишини иззатли қилади, киши тили билан бахтли бўлади. Тил мисоли арслондир, қара, у сени доим эшик олдида пойлаб ётади. Эй мағрур уй хўжаси, ҳушёр бўлки, агар тилингга ортиқча эрк берсанг, йўламасдан сўзласанг, бу арслон бир кун эмас, бир кун бошингни ейди...”.

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, тил сўзловчи истагини эшитгувчига етказувчи таржимондир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий тилни инсонни ҳайвондан ажратувчи “гавҳари шариф”га ўхшатади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзлари ҳам айни ҳақиқат: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

Манбаларда келтирилишича, Хожа Юсуф Ҳамадоний 17 ёшидан бошлаб илм олишга киришган. Шу ниятда у Бағдод, Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Бухоро ва Самарқанднинг улуғ шайхларидан таълим олиб, юксак камолга етишади. Унинг нутқи ғоят ёқимли ва таъсирчан бўлгани учун эллик мингдан ортиқ маъжусий ислом динини қабул қилади.

“Зикр фикрдан афзалроқ, — дейди аллома, — чунки зикр фикр эшигини очувчи калитдир. Калит йўқолса ёки бировга бериб қўйилса, калитсиз бу эшик асло очилмайди”.

Она тилимиз, ундаги ноёб сўз ва иборалар, ҳикматлар, мақол ва маталлар асрлар давомида шаклланган, тўпланган ва сайқал топган бўлиб, бу ноёб хазина, биз, биздан кейинги авлодлар учун қимматбаҳо мероздир. Бу хазинадан баҳраманд бўлган ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирлар дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшди, айни чоғда ўзларининг буюк асарлари, илм-маърифатлари билан бу хазина мақомини юксалтирди. Шу боис, тилга эътибор, уни миллий бойлик сифатида севиб-ардоқлаш, бойитиш, келажак наслларга бор таровати, хазина янглиғ пурмаъно салмоғи билан етказиш аждодлар руҳи олдидаги маънавий бурчимиздир. Бу бурчни тушунмай, бепарволигимиз оқибатида тил хазинамизга етказилаётган озорларни англамасак, оғзаки ва ёзма нутқ бир-бирига қоришиб кетса, тузатиш қийин бўлган жиддий хатога йўл қўйган бўламиз. Фақат боланинг эмас, катталарнинг ҳам “қотиб” қолган тилини ўнглашнинг иложи йўқ. Тил шундай бир боғки, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир ғунчанинг ўз ўрни бор, борди-ю улардан бири эътиборсиз қолса, боғнинг кўркига путур етади, таровати сусаяди.

Ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар, ривоят ва ҳикоятлар орқали биз узоқ ўтмишга хаёлан назар ташлаймиз, халқимиз босиб ўтган машаққатли йўлдан хабардор бўламиз. Шу маънода, тилни бугунги кунни олис ўтмиш билан боғловчи маънавий кўприкка қиёслаш мумкин. Бу кўприк бизни янада эзгу амалларга даъват этади. Тилини асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл ўзлигини йўқотади. Шундай экан, тилимиз бойлигини ўзлигимизни йўқотмаслик учун ҳам асрашимиз лозим.

Дунёвий тараққиётнинг бугунги илмий-техник даражаси ҳар қандай мукаммал тилни ҳам янги сўз, ибора ва тушунчалар билан муттасил бойитиб боришни тақозо этади. Тилшунос олимлар тилни фақат ўтмишга эмас, бугунга ва келажакка қараб ҳам бойитиш зарурлигини уқтирадилар. Бу вазифа мукаммал режа асосида бажарилиши керак. Негаки, тилимиз, тарихимиз, маданият ва санъатимизга қизиқиш дунё миқёсида кучайиб бормоқда. Элликдан ортиқ хорижий олий ўқув юрти, илмий-маданий муассасада ўзбек тили, адабиёти ва санъатини ўрганувчи гуруҳлар пайдо бўлаётгани, биз билан ҳамкорлик қилишга истак билдираётганлар сафи ортаётгани ғоят қувонарлидир. Атоқли адиб Чингиз Айтматов асарлари боис, дунё мамлакатларида қирғиз тилини, Ўлжас Сулаймонов ижоди боис, қозоқ тили ва тарихини ўрганишга қизиқиш юзага келган. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари, Миркарим Осим, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров романлари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф шеърияти ҳам шундай шарафли вазифани бажарди десак, муболаға бўлмайди.

Ютуқларимиз бор, албатта. Аммо узоқда туриб, тилимизни ўрганувчи ёш тадқиқотчилар ўзбек тилининг имло ва грамматика қоидаларига қатъий риоя қилаётган бир пайтда биз ўз еримизда, ўз уйимизда бу қоидаларни аёвсиз бузаётганимиз ғоят ачинарлидир. Бундай қусур кўчаларимизда имло қоидаларига риоя қилинмай ёзилган эълон, савдо-тижорат рекламалари, телевидениеда “қўлбола” дори-дармонга доир тинимсиз берилаётган маза-матрасиз матнларда яққол кўзга ташланади. Аллома Ғаззолийнинг “Тил офатлари” китобида бундай ўгит бор: “Инсонга энг итоатсиз аъзо тилдир. Чунки бу суяксиз аъзонинг осонгина ҳаракатга келиши, ҳеч бир машаққатсиз югуриклиги кутилмаган нохуш оқибатларга сабаб бўлади”.



Биз бугун тилимиздаги нуқсонлар ҳақида гапиряпмиз. Марказий Осиё деб аталадиган йирик бир минтақа кўп жиҳатдан ўзаро бирлашаётган, ўз тақдирларини шу буюк бирликда кўраётган эканлар, қўшнилар, умуман, туркий дунё халқлари тилларига ҳам эътибор беришимиз зарур. Бунинг учун, аввало, она тили ва унинг амалдаги қўлланиши билан боғлиқ муаммоларни тўла маънода ҳал қилишимиз зарур. Бу муаммолар юқорида келтирилган хато ва ғализликлардангина иборат эмас. Нутқимизда *“Кетдик обедланишга”, “Балниса”, “Капелниса”, “Срочно”, “Точно”, “Как раз”, “Тем более”, “Что вы?”, “Чут-чут”, “Ну и ну”, “За то”, “Ну да?”, “Ничего себе”, “Во-обше”*, деган олақуроқ гаплар кўпайиб бормоқда. Ошхонадан уйимизга овқат олмоқчи бўлсак, ўзбек гиргиттон “Собойгами?” деса, “Ҳа”, деб турибмиз. Телевидениеда миллий таомимиз — ўзбекнинг шоҳ асари бўлмиш паловхонтўрани пепси кола билан истеъмол қилишни кунда юз бор реклама қилишмоқда. Биз — ишдан кўра ошга жамулжам борадиган (Алихонтўра Соғуний фикри) ошхўрлар бунга эътибор бермаймиз. Бу кетишда эртага қазили норинни сосиска, шўрвани пиво билан тановул қилишга чорлашлари ҳеч гап эмас. Расмий хабардан: “Мамлакат аҳолисининг 35 миллиони учун ўзбек тили она тили ҳисобланади”. Умумий овқатланиш шохобчаларининг 75 фоизида таомномалар ўзбек тилида эмас. “Меню”да кўрсатилган таомларни тушуниб олиш унча-мунча хўранданинг қўлидан келмайди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тилимиз софлиги учун кураш ишига биринчилардан бўлиб киришган, таниқли шоира Мукаррама Муродова бошчилигида ижодий гуруҳ ташкил этилган эди. Ўшанда эътиборга молик анча-мунча ишлар қилингани ёдимизда. Аммо кейинчалик ҳаммаси яна эски қоришиқ ўзанларга қайтди. “Тромбо АСС” дорисини қабул қилишга доир бугунги йўриқномани ўқийлик: *“Метамизол ва бир вақтда қўлланилишида метамизол ацетилсалицил кислотасини тромбоцитлар агрегациясига таъсирини камайтириши мумкин. Шунинг учун ушбу мажмуани антиагрегат восита сифатида ацетилсалицил кислотасини паст дозаларини пациентларни даволаш учун эҳтиёткорлик билан қўллаш керак”.*

Бир нима тушундингизми? Шу ўзбек тилими? Дориларга илова қилинаётган ўзбекча йўриқномаларнинг аксарияти шундай.

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов она тилимиз равнақини мақсад қилиб, кўплаб тадқиқот мақолалар ёзди. Устознинг “Она тилим” мақоласида қуйидаги жумлалар бор: “Бир марта яшайдиган инсон ўз қисматига ўзи эга бўлиб, ўзгага муте бўлмасдан, озод-эмин яшасин экан. Ўз тилингда сўзлаб, ўз Аллоҳингга сиғиниб, ўз ота-онангни ўз удуминг билан кўмолмасанг, бу дунёга келмаганинг ҳам маъқул экан. Биз шундай кунларни бошдан кечирдикки, ҳозирги ёшлар тинглаб, ёқа ушласалар ажаб эмас”.

“Устоз Қаҳҳорнинг “хотин тили” деган ўткир ибораси мени кўп хаёлга толдирди, — деб ёзган эди Эркин ака. — Шу ибора билан боғлиқ ҳодисалар, ривоятлар, шеърий сатрлар ёдимга келди. Хаёлим дунёни кезиб чиқди. Хотин тили. Улуғ адиб бу лутф билан она тили деган сўзнинг азиз ва мўътабарлигини ҳам, аёлга эҳтиромнинг юксак мақомини ҳам гўзал ифода қилган. Гап фақат тожик тили устида эмас, кўнгил устида, эркак ва аёлнинг бир-бирини англаши устида бормоқда. Бу осон иш эмас. Хотин тилини англаш турмушнинг энг оғир ва мураккаб муаммоси, тирикликнинг мангу ечилмас жумбоғидир. Холиқи олам аёлнинг жинси ва жисмигина эмас, тафаккур тарзини ҳам бошқача яратган экан”.

Тил ҳақида гап бораркан, матбуотимизнинг бугунги тилига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Кўтарилаётган мавзулар яхши, аммо тил ғализ. Мана, айрим намуналар:

Режа қандай бажарилади — *шараф билан.*

Тадбирда сўз қандай берилади — *муният билан.*

Меҳмонга қандай борилади — *қадам ранжида қилиб.*

Наҳор ошга қандай борамиз — *ташрифи қудум қилиб.*

Тўрт мучал эмас — *тўрт муча.*

От айланиб қозини эмас — *қозигини топади.*

Талабалар студияга ташриф буюрмайди — *телекўрсатувда иштирок этади.*

“Топишмоқли болалар китоби” эмас — *болалар учун топишмоқли китоб.*

Қўшиқ радиотўлқинда жаранг сочмайди — *таралади.*

“Хос-хашак” эмас — *хас-хашак.*

“Ол, қўлим” эмас — *“ол, қулим”.*

“Шеър жонли ижро этилмайди — *ўқилади.*

“Қурт-барака” эмас, *“қут-барака”.*

Ҳассос шоира Турсуной Содиқова маърузасининг ҳар сўзидан олов, оҳангидан муҳаббат чақнарди. Ижодий учрашувларда сўзнинг ўзини ҳам сўзлатворарди, булбулдай сайратарди. Нотиқлик маҳорати, ишонтириш санъати, таъсир этиш салоҳияти баланд эди. Овозида бошқа нотиқларда кам учрайдиган ноёб сеҳр бор эди. Шоира ўзи ёзганидай, “Сўз излаш, сўз ўйлаш, сўзга ранг-тус бериш, уни чиройли ижрода тақдим этишга уриниш, кўзларни, қулоқларни ўзига мафтун қилиш учун турли аудиториялар, давраларда жон терига тушиб жанг қилар, баҳслашар, “сўзда ўлиб, сўзда тириларди”. Опани тинглаганлар у билан яна бир бор мулоқотда бўлиш, сўз чашмасидан қониб-қониб ичишни, сўз оламига саёҳатни ният қиларди.

Адиб ва публицист Аҳмад Аъзам неча юзлаб сўз ва иборалар, мақол ва маталларнинг тўғри қўлланилиши, маъно-мазмуни ҳақида туркум мақолалар ёзди, амалий таклифлар киритди. Ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, “Энг ёмони, тилга, адабий чаласаводликка эътиборсизлик кўникмага айланиб бўлди, тил, тўғри талаффуз ҳақида гапириш эндиликда ҳатто эриш туюлади. Тили ғализ, ёзиш маҳорати суст муаллифларнинг том-том китоблари чиқяпти! Биров бир нима деяётгани йўқ. Шу қадар ясама, шу қадар сунъий жумлаларки, китоб дейишга тил бормайди. Бадиий асарда, умуман, ҳар қандай ёзувда, ҳатто оддий ёзишмада ҳам асосий мезон — тил, бу мезон йўқолса, кўп нарсани йўқотган бўламиз”, деган эди у куйиниб.

Аҳмад Аъзам “Виждон номуси” сарлавҳали ўзи кўрмай кетган китобига кирган мақолаларида қуйидагиларни ёзган: “Ҳозирги адабий тилимиз не-не асрлар давомида неча минг-минг ижодкорларнинг тинимсиз меҳнати ҳосиласи. Бу тўғрида гапирганда, “Девону луғотит турк”ни яратиб берган учун Маҳмуд Кошғарийни тил пиридек хотирлаймиз. “Қутадғу билиг” яратилганми, бинобарин, унга замин — тил, демакки, уни китоб ҳолига келтириб, муҳрлаб асраш зарурати бўлган. Агар тилни қўриқлаш, унинг обрўсини жойига қўйиш, янги мартабаларга кўтариш эҳтиёжи бўлмаганда Навоий бобомиз туркий тил шаън-шавкати борасида “Муҳокамат ул-луғатайн”ни ёзмаган бўлур эдилар. Керак эканки, она тилини қўриқлаш, босқинлардан ҳимоялаш ва ўстириш учун шу фидойиликлар қилинган”.

Бугун биз она тилимизни талаб даражасида ҳимоя қилмоқдамизми?

Матбуотда “Тилга эътибор — элга эътибор”, “Тил — дил калити”, “Тил — хазина” каби рукнлар остида деярли ҳар ҳафтада куйинчак мақолалар эълон қилинади. Аммо унинг самараси кўнгилдагидай эмас.

Матбуотда “Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган Хон Saroy Afsonasi лойиҳасидан бир хонали хонадонларга бошланғич тўловни амалга оширинг ва қолган қисмини ойига 4 миллион сўмдан тўлаб боринг”, деган хабар чиқди. Бу лойиҳа асосида қурилаётган уйларнинг сифатидан хабардор эмасман, аммо шу кичик эълончадаги ғализликдан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Биринчидан, янги хонадонларни одамларга лойиҳа эмас, уй-жой қурилиши билан шуғулланаётган ташкилот беради. Эълон сўнгида хонадон харид қилган кишининг бахтли ҳаёти учун (?) бир неча қулайликлар мавжудлиги санаб ўтилади. Улар орасида шундай “ноёб” қулайлик бор: “Хавфсиз болалар майдончаси”. Ана холос. “Хавфсиз болалар” дегани нимаси? “Болалар учун хавфсиз майдонча” деб ёзиш қийинми?

“Маккажўхори” деймиз, “макка” ва “жўхори” бошқа-бошқа экин. “Саримсоқпиёз” ҳам шу — “саримсоқ” бошқа, “пиёз бошқа” (З.Исомиддинов кузатуви). “8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами”, дейиш ҳам нотўғри. “Халқаро хотин-қизлар” деган тушунча йўқ. Аёлларни халқаро ва маҳаллий тоифаларга ажратиб бўлмайди. “Хотин-қизларнинг халқаро байрами” дейиш керак.

*“Вазирлик томонидан берилган топшириққа биноан”* — чучмал жумла. “Вазирликнинг қайси томонидан?” деб сўрагинг келади. “Вазирлик топшириғига биноан” дейилса, маъно аниқ англашилади. “Томонидан” сўзи аксарият ҳолларда нотўғри ишлатилади: *“Театр жамоаси томонидан саҳнага қўйилган асар”, “Туман ҳокими томонидан билдирилган таклифлар”, “Тадбиркорлар томонидан асфальтланган йўл” ва ҳоказо.* “Фалон театрда саҳналаштирилган асар”, “Тадбиркорлар ёрдамида асфальтланган йўл”, “Туман ҳокимининг таклифи” дейилса бўлади-ку.

“Ўқимишли китоб” эмас, *ўқишли китоб.*

“Давлат идораларининг шаффофлиги” эмас, гап бу *идоралар фаолиятининг* шаффофлиги ҳақида бормоқда.

“Ғўзага ишлов бериш бошланди” — *ғўзага ишлов берилмайди, ғўза қатор оралари юмшатилади.*

“Тўп ҳужумчидан қочиб кетмайди” — *ҳужумчи тўпни ўзидан узоқлаштириб юборади.*

“Меҳмонлар уй ичига кирмайди” — *уйга киради.*

Уйга киришгач, дастурхонга эмас, *дастурхон атрофига ўтиришади.*

Тил — тирик организм, у ҳам худди инсон вужудидек, парваришга, диққат-эътиборга муҳтож. Тўғри парваришланган ниҳол эрта мевага киргани каби тилга эътибор ҳам янги авлод тарбиясида, албатта, ўзининг салмоқли самарасини беради.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:00 Топширилди — 00:20

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.